

КЛАССИК АДАБИЁТ ЖАНРЛАРИ



Тошкент  
Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитети  
«Еш гвардия» нашриёти  
1990

Тузувчи ва сўзбоши муаллифи филология фанлари номзоди  
Эминжон Талабов.

Қ—27

**Қасида.** Тўплам. Катта ёшдаги мактаб болалари учун /Тузувчи ва сўзбоши муаллифи Э. Талабов/.— Т. «Ёш гвардия», 1990.—96 б.—(Классик адабиёт жанрлари).

«Классик адабиёт жанрлари» силсиласида чоп этилган «Рубой сеҳри», «Эпос» ва «Ғазал бўstonи» мажмуаларини кенг китобхонлар оммаси яхши кутиб олишди. Ушбу силсиланинг мантиқий давоми бўлмиш «Қасида» тўпламига классик қасидалардан энг яхши намуналар киритилди.

Ушбу асар ва шу серияда чиқаётган мажмуалар ҳақида китобхонлар ўз фикр-мулоҳазаларини ёзиб юбордилар, деб умид қиламиз.

**Қасида.** Сборник.

Уз1

К 460301<sup>000</sup>—118 63—89  
356 (04) 89

ISBN 5-633-00212-1

© Тўплам, Қасида, (Сўзбоши, безак) 1990.

# ҚАСИДА ҲАҚИДА

## I. ҚАСИДА ЖАНР СИФАТИДА

Қасида — лирик турга кирувчи жанрлар орасида энг қадимгиси. У ҳаёт ҳақиқатини бадий, образли акс эттиришнинг барча хусусият ва белгиларига эга; унда конкрет индивидуал кечинмалар орқали типик кечинмалар ифодаланади; айрим шахс ҳиссидаги алоҳида туйғулар типиклаштирилади. Бу хусусият бир киши (кўпинча шоир)нинг кечинма ва фикрлари орқали муайян гуруҳ дунёқарашининг умумлаштирилган ифодаси даражасига кўтарилади. Қасидадаги бадий образнинг манбаи кишилар — буюк шахслар: адолатли ҳукмдорлар, улар яшаётган макон ва замон — муҳим тарихий ҳодисалар, табиат гўзалликлари, алоҳида географик тушунчалар...

Қасида жанр сифатида шарқ халқлари, хусусан ўзбек, тожик, озарбайжон, афғон ва бошқа халқлар шеърлятида учрайди. Қадимда ҳукмдорларнинг саройларида яшаб ижод этган шоирлар ўз раҳнамолари кўнглини мойил қилиш мақсадида хушомадгўйлик билан уларни кўкларга кўтариб мақташ, уларда бўлмаган фазилатларни бор қилиб атайин бўрттириб кўрсатиш учун кўп ҳолларда қасида жанридан фойдаланганлар; шунинг учун бўлса керак, қасидага яқин ўтмишда ўзбек адабиётида бирмунча скептик қараш мавжуд эди. Бундай фикр тарафдорлари халқпарвар, маърифатпарвар шоирларимиз қасида орқали ўз тафаккурларидаги адолатли ҳукмдорларни куйлаб, илғор маърифий фикрларни олға сурганликларини назар-писанд қилмадилар, моҳиятни макон ва замондан узиб олиб, сиртда ҳукм юритдилар.

Қасиданавислик борасида ўзбек адабиётида совет даврида қўлга киритилган ютуқлар қасида жанри истиқболига нисбатан скептик

қарашларни йўққа чиқарди; қасида энди социалистик жамият кишиси кечинмаларининг, социалистик ватан гўзалликларининг тарафнамасига айланганини таъкидлаб, у жанр сифатида жиддий ри-возланди, дейишга асосимиз бор.

Маълумки, фатҳ этилган ўлкаларга ислом кўмагида фақатгина араб тили эмас, балки араб адабиёти ва адабий ижоднинг анъанавий шакллари ҳам кириб келди. Адабиёт тарихчиси Абу Мансур ас-Саъолибий (961—1039)нинг маълумотларига кўра, у яшаган даврда фақат Бухоронинг ўзида 47 та баркамол арабийнавис шоир яшаган ва ижод қилган. Уларнинг кўпчилиги маҳаллий халқ вакиллари бўлиб, арабчадан ташқари ўз она тиллари форс-тожикча ва туркийчада ҳам ижод қилганлар. Мазкур шоирларнинг ва олдинроқ ўтганларнинг ҳам хизматлари шу бўлдики, улар ўз она тилларида араб традицион усулларида ижод қилишни бошлаб берганлар. Шундай қилиб, араб поэтикаси анъаналари, жумладан, қасида ёзиш ва арузнинг ўзи ҳам маҳаллий халқлар адабиётларига кириб келди, илгари мавжуд ижод шакллари орасидан ўрин олди.

Қасида ўша анъанага мувофиқ жанр эмас, шакл эди. Бошқача айтганда, барча жанрлардаги шеърлар шоирлар томонидан қасида шаклида, унинг шакл сифатидаги талабларига мосланиб ёзиларди.

Қасида фақат мақтов учун ёзилган дейиш нотўғридир. •

«Қасида» сўзи арабча, унинг луғавий маъноси «мақсад қилинган, кўнгил талпинган»дир. Одатга мувофиқ, байтлар сони 7 та ёки ундан ортиқ бўлиши мумкин. Ортиқ деганда юз ёки бир неча юз байт назарда тутилади. Қасида ягона вазнда, бир хил қофияда ҳамда умумий план асосида ёзилиши керак. Шоирлар қасидадан шакл сифатида фойдаланиб, ўша пайтдаги мавжуд барча поэтик жанрлар: васф, мадҳ, фахр, насиб (ғазал), ҳатто ҳажв, рисо (марсия) ва бошқа жанрларда ижод қилганлар.

Даврлар ўтиши билан қасиданинг таркибий қурилишида ўзгаришлар кузатила бошланди. Хусусан, VII асрдаёқ, баъзи қасида муаллифлари қабилани эмас, балки ундаги эътиборга молик шахсни (оқсоқолни, ботирни) мақташга ўтишганди. Кейинроқ, асосан, кириш қисмида шароб, тўй, ҳатто уруш маъракалари мадҳи пайдо бўлди. Ов, зоҳидлик, биродарлик каби мотивлар қасидадан кейинроқ мустаҳкам ўрин олди.

Мана шундай турдаги қасида, тахминан, Хуросон ва Мовароун-наҳр территориясига кириб келди. Бир неча ўн йиллардан сўнг у маҳаллий назмда ҳам (аруз — вазни каби) етакчи шакл бўлиб қолди.

XIV—XV асрларга келиб традицион қасиданинг доираси ўзбек шоирлари ижодида торайиб борганлигини, кўпгина жанрлар (масалан, ғазал, ҳажв) у билан алоқадорликни тарқ этиб, алоҳидалик касб этганини кўрамиз. Энди қасида кўпроқ мақтов (мадҳ ва фахр элементлари билан) ва васф (табиат, ватан, шаҳарлар тавсифлари билан) унсурларини ўзида жамлади, энди қасида адабий термин сифатида лирик турга кирувчи жанрга айланган эди.

Ўзбек классик ва ҳозирги замон қасидаларига назар ташласак, унинг кўпгина ёрқин намояндалари қасида жанри ва унинг мавзулари доирасини кенгайтиришга доимо интилиб келганликларининг гувоҳи бўламиз. Қасида табиат лавҳаларини турли-туман шаклларда ўз таркибига қамраб олганини, айрим шаҳар ва ўлкаларга, ҳатто айрим чолғу асбобларига аталиб ҳам битилганини кўрамиз.

Мавжуд фикрга мувофиқ ўзбек қасидасининг ҳажми камида ўн икки (Зиёвиддинов М.) ё ўн беш (Жамол Камол) байт бўлиши керак. Зиёди чегараланмаган, бу жумбоқ шоирнинг дидига ҳавола қилинади; буни илҳом, эҳтирос кучи ва куйланаётган объект меъёрига қараб ўзи белгилайди.

Маълум бўлдики, ўзбек қасидасининг манбаларидан бири араб қасидачилик фанидир. Бундан ташқари, ўша пайтда анча катта ва ҳассос намояндаларига эга бўлган форс-тожик қасидачилиги маълум роль ўйнаган. Абду Абдулло Рудакий, Носир Хусрав, Саъдий Шерозий, Жалолиддин Румий, Абдуллоҳ Ансорий, Салмон Савожий, Хоқоний, Абулқосим Унсурийларнинг қасидалари ҳаммага таниш ва манзур эди. Айниқса, ҳаёти ва ижодининг кўп қисмини қасида жанрига бағишлаган, унинг жанр сифатидаги тадрижида сезиларли из қолдирган Ҳаким Анварийнинг қасидаларини ёддан билишарди. Анварийнинг икки юздан ортиқ қасида ёзгани маълум.

Бироқ ўзбек қасидасининг жанр сифатида туғилиши ва камолотида бирламчи ва белгиловчи манба — бу қадимги турк поэзиясининг «қўнуғ» жанридир. Қўнуғ асл моҳияти билан қасидага мувофиқ келади, Қўнуғдан Маҳмуд Қошғарийнинг «Девонул луғатит-турк» ида келтирилган парчалар бунинг исботидир, шунга

кўра, қасидага келгинди жанр сифатида қараш калтабинлик, албатта. Унинг унсурлари шеърятимиз гўдаклигида аллаланган бешиклардандир.

Қасида насиб деб аталувчи лирик киришдан бошланади. Насибнинг асосий мавзуи севимли ёр, лирик қаҳрамондаги унга етишув истаги. Бироқ мана шу мавзуга бевосита ёндошилмайди, балки лирик кечинмалар ёрдамида баён қилинади. Бирор фасл,— масалан, интиқ баҳор: унда табиатнинг нақадар сўлимлашуви ҳақида, лолаларга бурканган алвонранг атроф, энг тийран ҳисларнинг унда жунбушга келуви ва шу каби бошқа мароқли лаҳзалар борасида сўзланилади. Шу аснода шоир (лирик қаҳрамон) ёрини эслайди, ёрнинг вафосизлигидан ёки айрилиқ тушганидан шикоят қилади, ҳамон висол орзуманди эканлигини айтади.

Бу қисм анчагина катта бўлиб, қасидага дебоча вазифасини ўтайди. Унинг бошқа бир номи ташбиб (луғавий маъноси: маҳбубани куйлаш) дир. Насиб, аслида, асарга кириш вазифасини ўтайди, унинг мундарижаси билан кескин боғланишда, шунингдек, асарнинг умумий гоյ йўналишида ҳам белгиловчи ўринлардан бирида дир.

Қасиданинг навбатдаги қисми васфдир. Унча катта эмас,— баъзан уч-тўрт байтдан ошмайди. Васф ўқувчини асосий қисмга етакловчи восита вазифасини ўтайди. Шунга кўра, уни баъзан «кўприк» деб ҳам атайдилар, (ёки «гўризгоҳ»— луғавий маъноси форсчада «ўтаржой»).

Қасиданинг учинчи ва асосий қисми мадҳдир. Унда шоир қасидани кимнинг шарафига бағишлаётган бўлса, ўшанинг фақат яхши хислатларини мақтайди. Мадҳ — қасиданинг энг кўтаринки руҳда битиладиган қисми. Унда шоир ўз кўнглидаги энг тийран ҳисларни, эзгу орзу ва тилакларини, истакларини шу лирик қаҳрамон тимсолига жойлайди. Қасиданинг мадҳ қисми ҳақида сўз юритар эканмиз, беихтиёр, мана шу қисмнинг кўпроқ салбий баҳоланганини, кўпроқ танқидга учраганини яна бир бор таъкидлаймиз. Бироқ шу ўринда Аристотелнинг қуйидаги гапларини эслаш ўринлидир. Шоир ҳаётда қандай бўлса, ўшандай тасвирламабди, деган таънага эътироз билдириб шуни айтиш мумкинки, деганди буюк олим,— шоир ҳаётда қандай бўлиши кераклигини тасвирлайди.

Шу қисм қасида туркумига қараб, ҳажв, фахр ёки бошқа бирор тип билан алмаштирилиши ҳам мумкин.

Қасиданинг сўнгги қисми қасд (луғавий маъноси: мақсад, ният)да шоир қасида қаҳрамонига яхши тилаклар билдиради, эҳсонинъомига барака тилайди, унинг буюклигини рўй-рост айтиб, ўзининг ҳоқисорлигига ишора қилади ва фақат угина ўзига имдод йўлини чўза олишини айтади.

Булар жанр талаби эди. Қисмлар қасида маромида алоҳида бўлақлар силсиласини эмас, бир бутунликни ташкил этади ва умумий ғояни очишга хизмат қилади.

Классик қасида байтлар асосига қурилган бўлиб, дастлабки байт — матлаънинг аруз ва зарблари қофияланади, кейинги байтлар эса фақат зарби (байтнинг иккинчи мисраси) билангина қофиядош бўлади. Қофияланиш тартиби аа, ба, ва каби.

Қасиданинг ривожини шуни кўрсатдики, у маснавий шаклда ҳам ижод этилган. У ҳолда қофияланиш маснавий талабига монанд бўлиши табиий (аа, бб, вв каби). Шуниси характерлики, бунда ҳам аруз, ҳам бармоқ шаклларида бирдек фойдаланилади.

## 2. ҚАСИДАЛАРНИ ВАРАҚЛАБ...

Ўрта асрларда Мовароуннаҳрда қасида ҳар бир сарой доирасидаги адабий муҳитда етакчи жанр эди. Қасидада, айниқса унинг мақтов типидида подшолар, амирлар ва бошқа амалдорлар хушомадгўйлик билан мадҳ қилинар, дабдабали ҳаётлари муболағалар билан идеаллаштирилари, ўзаро тортишувлар, низолар ва урушлар оқланибгина қолмасдан, ҳаётини зарурат сифатида хулоса топарди, жамият ва халқ эҳтиёжи аксар ҳолларда назар-писанд қилинмасди. Бироқ кўпчилик етук қасидагўйлар аслида ҳаётнинг, ундаги кишиларнинг ўзлари ўйлаганларичалик етук ва мукамал бўлишини хаёл қилишарди, қасидаларида олға сурган ғоялари уларнинг эзгу ниятлари эди, уларга ўз қаҳрамонларини даъват қилардилар. Бу жиҳатдан қасида адабиётимиз тарихида, шаксиз, ижобий ҳодиса бўлган.

Ўзбек адабиёти қасида жанрида баракали ижод этган шоирларнинг катта рўйхатига эгадир. Унинг бошида Саккокий, Лутфий,

Ҳофиз Хоразмий, Навоий каби шоирлар туради. Шубҳасиз, уларга ҳам туркона шеър айтган, бутун Шарқда машҳур бўлган шоирлар бор. Бироқ уларнинг қасида мерослари асрлар тўфонларида йитиб кетган ёки ҳозирчалик бизга маълум эмас.

Саккокий ўзбек шеърятининг дастлабки қасиданавис вакилидир. Унгача бўлган адиблар меросида қасиданинг айрим қисмларигина учрайди,— қасида мужаррад шаклдагина мавжуд. Айтайлик, ғазалнинг ўзи аслида ёр мадҳияси — мақтов қасиданинг бўлагидир. У аввал мужаррад шаклда қасида бўлган, сўнг алоҳида жанрга айлангандир.

Саккокийнинг ҳаёти ва ижоди ҳақида материаллар жуда оз. У Ҳалил Султон (1405—1409) ва Улуғбек даврларида яшаган (1409—1449). Саккокий истеъдодли шоир бўлиб, нозик дид билан ғазаллар битган. У дунёвий муҳаббат, орзу-тилақлар, дард-аламлар ва табиат гўзалликларини тасвирлаган камарбаста шоир. Анъанага мувофиқ поэтик жанрларнинг аксариятида ижод этган, бироқ қасидалари унга шон-шараф келтирди. Бизгача Саккокийнинг ўнга қасидаси етиб келган. Шоир дастлабки қасидасини Самарқанд ҳукмдори Халил Султонга бағишлади. Шундай қасидаларидан бирида шоир тарихга ишора қилади:

«Тарихда саккиз юз дағи ўн эрди-ю, қадр ахшоми...» Ишора қилинган бу ҳижрий сана (810 й.) бизнинг ҳисоб билан 1407—08 йилларга тўғри келади. Қасида ёзиш даражасига кўтарилган шоир бу даврда анча камолот ёшида бўлиши керак. Шоир Улуғбекка бағишлаб тўртта қасида ёзган. Бундан ташқари Ҳожи Муҳаммад Порсо, Арслон Ҳожа Тархонларга ҳам қасида бағишлагани маълум. Бу қасидалар персонажларнинг ўзига хос талқини билан ажралиб туради. Улар албатта «ҳимматли», «сахий», «халқпарвар». Бу умумий хислатлардан ташқари, айрим персонажлар бошқаларда учрамайдиган фазилатларга ҳам эга: масалан, истеъдодли олим, маърифатпарвар ҳукмдор ҳам. Бу башорат тарихий факт бўлиб Саккокийнинг ҳақлигига таҳсин айтамин. Аслида Саккокий қасидаларига ўз орзуларини жамлаган. Шоирнинг Улуғбекка бағишланган қасидалари таҳлили шунини кўрсатадики, у қасида санъати талабларини мукамал эгаллаган эди. Мисол учун «Келди» радифли матлаъи:



Жаҳондин кетти ташвишу мабодийи омон келди,  
Халойиқ, айш этинг бу кун, сурури жовидон келди.

байти билан бошланадиган қасидасини олиб кўрайлик. 34 байтлик бу қасидада насиб 6 байтни, васф 4 байтни, мадҳ 20 байтни ва қасд 4 байтни ташкил қилади. Қасидада Саккокий Улугбекни мадҳ қиларкан, уни маърифатпарварлик фазилатларига эга, элпарвар, меҳрибон ҳукмдор деб кўрсатаркан, аслида эндигина тахтга ўтирган, ҳали ҳеч бир фазилати намоеън бўлмаган, ҳеч бир иш қилиб улгурмаган шоҳнинг бўлажак фаолияти учун иш программаси эди бу:

Раъият қўй эрур, султон анга чўпон ё бўри,  
Бўри ўлғо-ю қўй тинғой...

Бундай фикр очиқлиги классик шеърят муаллифларининг жуда камида учрайдиган ҳодиса...

Бу қасидада икки катта куч, икки етук персонаж фаолият кўрсатади. Биринчиси шоир томонидан авайлаб балоғатга етказилаётган, мисрадан мисрага ўсиб, камолотга етиб, ривожланиб бораётган одил шоҳ:

Бу кундин сўнгра тинғой раъиятлар риоятдин,  
Улус ҳаққида минг турла атодин меҳрибон келди.

ёки:

Гадолар ройигон топғай зарурий моли Қорунни,  
Яди байзо бикин илгинг жаҳонга зарфишон келди.

Иккинчиси, одил шоҳнинг маърифий фаолиятига тўсқинлик қилаётган душман — «аду» (кўплиги «аъдо») образи. У кучсиз эмас; у маккор, ҳийлагар, зўравон. Бироқ «аду» (душман) — адолат олдида таслим бўлади, мағлубиятга учрайди. Шоир тафаккуридан жой олган ғоя — адолат кучининг оқибат ғолиблиги:

Бу лашкар етканин кўрсанг ясаб аъдонинг устига,  
Соғинғойсен чирик эрмас магар гурзи синон келди.

еки:

Кириб тулку бикин душман инда ўлғой очликдан,  
Не қилсин устина ҳайбат била шеъру жаён келди.

Қасида ана шу икки куч кураши асосига қурилган ва асар лейтмотивини ташкил қилади. Шоир кўнгли оптимизмга тўла, нуқта-назари оптимизм билан суғорилган, у яхши ниятларининг муқаррар ғолиб келишига ишонади:

Керак жон булбули тун-кун наводин тинмаса бир дам,  
Чу дўстларига хуррам ёз, адуларга хазон келди.

Асарнинг тили жуда равон, ҳатто бу кун кишисига яқин. Бу шоирнинг халқ шевасига яқин тилда ижод қилганини кўрсатади. Шуни таъкидлаш керакки, Саккокий ўша пайтдаги таомилга риоя қилиб ошиқча мақтов — муболағаларга ҳам йўл қўяди. Масалан, Улуғбекка мурожаат қилиб дейди:

Қилич яшнатсанг урушта, анинг қай шуъласин душман  
Кўруб айтур:— қамуғ, ҳай, ҳай, қочунг барқи ёмон келди.

Саккокий қасидалари характерларнинг типиклиги, санъаткор талқин этаётган ижтимоий идеалнинг муҳимлиги, шакл ва мазмун элементларининг бир-бирига мутаносиб уюшганлиги билан ажралиб туради.

Саккокий аруз вази қонун — қондаларини яхши эгаллаган. Мазкур қасида ҳазаж баҳрининг «мусаммани солим» (саккиз рукн-ли тугал) навида яратилган.

Бутун қасида давомида ундан чекиниш деярли учрамайди. Бундай яхши кўрсаткичга: бундай енгил ва жўн ёзишга фақат буюк санъаткорларгина эриша олганлар. Ҳазаж баҳри ўзининг раволиги билан Саккокий этиборини ҳаммавақт тортиб келган. Шунга кўра, шоир ўзининг Улуғбекка бағишланган яна икки қасидасини ҳам шу баҳрда ёзган.

Маълумки, Улуғбек Мовароуннаҳр тахтига чиққач, ўз олдида буюк илмий ишларни, ободончилик ишларини амалга ошириш ва-

зифасини қўйган, шу мақсадларини рўёбга чиқариш учун мадрасалар қурдирган, маданий ишларга ривож берган эди. Бу таҳсинга лойиқ ишларга Саккокий ҳам ўз ҳиссасини қўшади: қасидалар ёзиб, Улуғбекнинг муваффақиятларини ҳаммага маълум қилади, унинг ўзини кўкларга кўтариб мақтайди. Диндор реакционерлар, тақводор тафаккур душманлари Улуғбекка зимдан кафан бичаётган бир пайтда шоирнинг бу иши эҳтиромга лойиқ.

Шоирнинг Улуғбекка бағишланган яна бир қасидаси «алиф»га қофияланган. Унда юқоридаги мавзу бадий ифодасини топган мана бундай мисралар бор (насиб):

Тилар кўнглим ўзин солса ва бўлса зулфина лола,  
Вале юз минг жонни елга охир берди бу савдо.  
Ушал гултек юзунг ҳаққи, дағи гултек юзунг ҳаққи,  
Мени титратма тол янглиғ, эй қадди сарвдин раъно!

Шоир тўрттала қасидасида ҳам Улуғбекка самимий яхши истаклар билдиради: у бошлаган маърифий ишларга маслакдош шоир салтанатга авж, шоҳга узоқ умр (одатда, бир неча аср: «жаҳонда қарилар трик бўлуб, иззат била турғил» каби) тилайди. Эсдан чиқармаслик керакки, Саккокий ўз даври дунёқарашининг, феодализм даври қарама-қаршиликларининг ифодачиси ҳамдир. У ўз мадҳияларида жуда маҳобатли сифатловчилар ишлатишдан қайтмайди, ўта маддоҳликни ҳам ўрнига қўяди:

Тан эрди бу улус барча, анингтек жони бор ё йўқ,  
Биҳамдиллоҳ, ўғон фазли била ул танга жон келди.

ёки

Салотин дунёда кўп келди-ю, кетти, сенингтек бир  
Фалакнинг гар тили бўлса, айтсунким, қачон келди?

Саккокий шеърятимиз тарихида сезиларли из қолдирди. Навоий уни «турк алфозининг булагоси (стуклар)дан»дир деганди. «Мажолисун-нафоис»да у Саккокийни халқ севган шоирлигига гувоҳлик беради: «Мавлоно Саккокий Мовароуннаҳрдандир,— дейди

у,— Самарқанд аҳли унга кўп муътақиддир, бағоят таърифин қилур».

Шерозда яшаб, форс традицион қасиданавислиги тажрибаларини яхши ўрганган шоир Абдурраҳим Ҳофиз Хоразмий Ҳофиз Шерозийнинг замондоши эди. Битта девон Ҳофиз Хоразмийнинг ҳозирча бизга етиб келган ягона мероси. У XV асрнинг биринчи чорагида китобат қилинган, лекин тўлиқ эмас. Девонга бошқа жанрдаги асарлар билан тўққизта қасида (ҳаммаси бўлиб 439 байт) киритилган.

Ҳофиз Хоразмий қасидаларининг қимматли жойи шундаки, у Навойгача бўлган давр ўзбек шеърининг бирмунча тўлдириб туради. Шоир ўз халқининг илғор инсонпарвар, маърифатпарвар вакили эди. Унинг қасидалари юксак маҳорат билан равон битилган, бадний услуби етук. Қофиялар Ҳофиз томонидан жуда тийран иштиёқ билан танланган, аруз вази қондалари тўлиқ сақланган:

Жаҳон вайрон бўлиб дайёр қолмас эди оламда,  
Вилоят ҳукми бирла қолмаса эрди жаҳонбоний.  
Агар саррофи сўз эрсанг, ўқи девонини доим,  
Чу маъно гавҳариндин тулуъ эрур баҳри девоний.

Ҳофиз қасидаларининг тили жўн, у чет элларда кўп яшаган бўлишига қарамай, қўлланилган ёт сўзлар нисбатан кам, оҳангдорлик кучли:

Агар ман оти учун отин атарсам ғариб эрмас,  
Қилур оти билан тамъи малак чун субҳагардоний.

Ҳофиз қасидалари ҳазажда ижод қилингандир. Унинг меросини, жумладан, қасида меросини ҳам ўрганиш қизғин давом этапти.

Навой «Мажолисун-нафоис»да, «то Темур ва ўғли Шоҳруҳ замонигача турк тили билан шуаро пайдо бўлдилар... Саккокий ва Ҳайдар Хоразмий ва Атоий ва Муқимий ва Яқиний ва Амирий ва Гадойидеклар», деб ёзади. Навой тилига тушган шоир Гадой адабий меросини ўрганиш унинг истеъдодли шоир бўлганлигидан дарак беради; шеърлари ўзига хос латофати, илиқлиги билан ажра-

либ туради. Гадой девонига киритилган асарлар орасида қасида ҳам бўлган. Бизгача ундан фақат 13 байтгина етиб келган. Бу унинг бизга маълум ягона қасидасидан парча бўлиб, бир қарашдаёқ хассос қасиданавис бўлганлигини билиб олиш қийин эмас. Қасида Халил Султонга бағишлангандир. Навоий Гадой тўғрисида: «Мавлоно Гадой туркигўйдир, балки машоҳир (машҳурлар)дандур... Шеъри шуҳрат тутти», дейди.

«Мажолисун-нафоис» да яна Навоий томонидан тилга олинган шоир Муқимий эди. Унга Навоий қасидалар муаллифи сифатида эҳтиром билдирган ва қасидаларидан бирининг матлаъини келтирган:

Сенсан асли вужуд ҳар мавжуд,  
Сендан ўзга вужудга не мавжуд?

Қасида Урта асрлар феодал тузумининг энг актуал масалаларига сиёсий ва фалсафий жиҳатдан таъсир кўрсатиб, давр муаммоларига муайян бир мавқеъдан туриб аралашарди. Қасида ўзининг жанр ва композицион имкониятлари нуқтаи назаридан мадҳ қилинаётган тарихий шахсга ёки васф қилинаётган воқеа, фаслга нисбатан шоирнинг муносабатини белгиларди. Шоир қасида воситасида даври учун энг зарур ижтимоий муаммоларни ўртага ташлаши, турли воқеаларга дарҳол жавоб бериши, уни маълум нуқтаи назардан ҳал қилиш йўлини кўрсатиб бериши лозим эди.

Қасида санъатини яхши эгаллаган ва муваффақиятли ижод этиб, манзур асарлар яратган шоир Алишер Навоий эди. Унинг ўзбек тилида ижод қилинган битта, форс тилида ёзилган 10 та қасидаси маълумдир. Қасида Навоий даҳоси билан формал-поэтик бойида ва тематик-ғоявий камол топди.

Ўзбек тилидаги ягона қасидаси илмий адабиётда «Ҳилолия» номланиб, Ҳусайн Бойқаронинг тахтга ўтириши ҳодисасига Алишернинг муносабати сифатида баҳоланади. Матлаъи:

Чун ниҳон қилди турунжи меҳри рахшон талъатин,  
Ошкор этти фалак бир тавқи ғабғаб ҳайъатин,

Қасиданинг тугалланма байти:

Янги ою ийд икки қуллуғчинг ўлсин, айлаган  
Сен ҳилол онинг отин, байрам бу ернинг кунятин.

Қасида анча олдин ёзилган (1469 йил) бўлишига қарамай, номаълум сабабларга кўра, у «Хазойину-л-маоний» нинг учинчи девони (1492 йил тузилган) га киритилган. Асар эркин талаффузга имкон туғдирувчи махсусликларни ҳисобга олганда, рамал баҳрининг «мусаммани мақсур» (саккиз рукнли, имолали) навида яратилган,<sup>1</sup> мисол келтирамиз:

Ўлтуриб ол	тинчи манзар	узра бир фар	хунда зот
— У — —	— У — —	— У — —	— У ~
фoъилотун	фoъилотун	фoъилотун	фoъилон
Ким вужуди	айлабои мо	ҳир	исмагин
		халойиқ	
— У — —	— У — —	— У — —	— У ʒ
фoъилотун	фoъилотун	фoъилотун	фoъалон

Қасиданинг насиб қисми (34 байт) да, одатдагидек, табиат қўйнида, кузатувда бўлган шоирнинг фикрини қуёшнинг ботиши-ю, кўкда ойнинг пайдо бўлиш манзараси тортади. Сўнг лирик қаҳрамоннинг хаёлан сайёралар орасидаги сайри бошланади. Бу қисм анча кенг, ундаги ҳар бир детал кейинроқдаги асосий мавзунини оқиш учун хизмат қилади:

Шоҳнинг тахтга ўтириш тантаналарига фалакдагиларнинг ҳаммаси шод, ҳаммаси хуррам тайёргарлик кўради:

Айламакка шаҳ ният арзини байрам жашнида  
Шаҳ вужуди чун мушарраф қилса тахти шавкатин.

Бу қисмда табиатнинг хушманзаралари ҳақидаги байтлар учрайди, кайфияти чоғ лирик қаҳрамонда, атрофдагиларда хушчақчақлик, кўтаринки руҳ ифодаланган.

<sup>1</sup> Илмий китобларда бу борада баҳс бор. Чунончи, кўпчилик муаллифларнинг фикрича, асар «рамали мусаммани мақзуф» да ёзилгандир. Бироқ бунга майл билдирганлар аруз ва зарбдаги ижмла (ўга чўзиқлик) ни эътибордан четда қолдирган.

Қасиданинг васф қисми (23 байт) одатдагидан анча каттароқ: бироқ бу ҳол шоирнинг васфдан кузатган мақсадига боғлиқ эди. Биринчидан, васфда ҳам насибда бошланган сюжет чизиғи давом эттирилади. Лирик қаҳрамоннинг Уторид (Меркурий) чархига кўтарилиши бошланади ва у Уторид — шоир — маҳваш (шоирнинг суюклиси) — «шаҳ» (подшо) ўртасидаги мушоира шаклида давом этади. Улар шеър матлағи борасида баҳс қилишади. Бироқ аynи шу ўринда шоир ўзига хос новаторлик кўрсатади. У шоҳни пухта ўйланган сюжет асосида шеър баҳсига тортиб, аynи вақтда уни сиёсий шахсгина эмас, ширинсухан ва ҳассос шоирлигини ҳам таъкидлайди, бу билан унинг маданият ва билимга ҳам мутасадди бўла олишига ишора қилади. Мадҳ қисми (30 байт) да шоир Ҳусайн Бойқарони кўжларга кўтариб, одатдагидек, мақтайди:

Шоҳ Абулғози саодат ахтари Султон Ҳусайн  
Ким қуёшни зарра дер кўргон сипеҳри ҳишматин.  
Шоҳлар шоҳи — демай, ул шоҳларнинг шоҳиким,  
Ҳар бири юз шоҳлар шоҳига тутқай микнатин.

Навой Бойқарони «золимлар домини берувчи, мазлумлар ҳомийси, мамлакатнинг буюк посбони, илм-маърифат жарчиси, ақл ва саҳоватда мисли йўқ шоҳ» сифатида талқин қиларкан, шоир мисраларида қўлга киритилган ҳақиқатни эмас, балки романтик хаёлотни, мавжуд одил ҳукмронни эмас, ўзи орзу қилган шоҳни куйлар, мазкур ғояларга энди тахтга ўтираётган ёш шоҳни тарғиб қиларди.

Бу ҳақда Навойнинг ўзи мадҳнинг сўнгги мисраларида ишора қилади ҳам:

Ҳусраво, зотингни васф этмак Навой ҳадди йўқ,  
Авло улким, зоҳир эткай бенаволар одатин.

Асарнинг қасд қисми (сўнгги 4 байт) да шоир қасида ёзишдан мақсадини баён қилади. Мақсад шоирни тамаъ эмас, балки яхши ният: шоир ўзи амалга оширмоқчи бўлган ободончилик, маърифат-парварлик ишларида дўстининг таянч бўлишини орзу қилгани учун ҳам Султон Ҳусайнга омад тилайди:

Токи байрам шони савм аҳли талаб қилгай ҳилол,  
Рўза ният айламай қилмоқ май ичмоқ ниятин.

Кўриниб турибдики, шоир Султон Ҳусайннинг ҳукмдорлиги бошидаёқ унинг фаолиятини адолатга, маърифатпарварликка йўллади, унда инсонпарварлик ҳисларини тарбиялашга ҳаракат қилди, ўзи тасаввур қилган яхши фазилатларга бой одил шоҳ бўлишга ундади. Қасиданинг аҳамияти ҳам шунда. Шоир истакларининг давр тўфонада ғарқ бўлиши, амалга ошмаслиги унинг айби эмас.

Навойнинг ҳукмдорга (умуман, ҳукмдорларга) ёзган ягона қасидаси шу. Унда биз Навойнинг пантеистик қарашини, ундан келиб чиқадиган хулосалар панд-насиҳат шаклини ола бошлаганини кўрамыз.

Шоирнинг форсчадаги қасида мероси анчагина, улар ижтимоий-фалсафий мавзуларда ёзилган орифона-тасаввуфона қасидалардир. Бу қасидаларда шоир ўз даври учун муҳим бўлган проблемаларни дадил кўтариб чиқади ва ўз пантеистик дунёқарашлари нуқтан назаридан туриб ҳал қилишга ҳаракат қилади. Навоий форсчадаги қасидаларини машҳур мутафаккир шоирлар ҳиндистонлик ватандошимиз Ҳусрав Деҳлавий, устози Абдураҳмон Жомий, Анварий, Хоқоний каби етук санъаткорлар қасидаларига татаббуъ шаклида ёзган.

Форсчадаги қасидалар, «Муҳокамату-л-луғатайн» да уқтирилишича, шоирнинг ўзи томонидан икки туркумга ажратилган. Биттасига тўрт қасида кириб, «Фусули арбаъа» номланган. Бошқасида эса олтита қасида жамланган, уни шоир «Ситтаи зарурия» («Олтита зарурлари») деб номлаган.

Маълумки, Шарқда ўрта асрларда татаббуъ усулида қасида битиш, яъни бир муаллифнинг қасидасига ғоявий йўналиш, вазн, қофия кабиларни сақлаган ҳолда эргашиб ва айни вақтда оригинал янги қасида билан жавоб бериш одат бўлган эди. Ҳар бир етук шоир шу тариқа ўзидан олдин ўтган ёки ўзи билан бир даврда яшаётган бирор таниқли шоирга ўз эҳтиромини билдирган. Шундай қасидалардан бири Алишер Навоийнинг «Тухфату-л-афкор» («Тафаккур туҳфаси») дир. Қасида Абдураҳмон Жомийнинг «Лужжату-л-асрор» («Сирлар денгизининг туби») га жавоб эди. Бу ўринда яна



бир эътиборга молик нарса шуки, Жомийнинг ўзи мазкур қасидани Хусрав Деҳлавийнинг «Дарён-аброр» («Яхши ниятлилар денгизи»)га жавоб тариқасида битганди.

Тиллар билимдони Алишер Навоий форс тилида ҳам ўзбек тилидагидек муваффақиятли қалам сурган, гоёт ширинсуханлиги билан обрў топганди. Навоийнинг қасидалари форс тилидаги шеъринг ривожига қўшилган муносиб ҳисса ҳамдир.

«Тухфату-л-афкор» ўша давр учун муҳим сиёсий-ижтимоий масалалардан баҳс қилувчи фалсафий қасида. Унда шоир адолат ва зулм, одил ва золим подшо, яхшилик ва ёмонлик ҳақида фикр юритади.

Навоий ижодида қасида жанр сифатида бойиди, ундаги поэтик имкониятларнинг янги-янги қирралари очилди, кашф этилди. Қасида Навоий ижодида бадий такомулга етди, ижоднинг энг баркамол жанрларидан бирига айланди.

Заҳриддин Бобур ўзигача бўлган адабиётга зоҳиран бир назар ташлаб, ўзбек шоирлари орасида энг «кўп ва хўб» айтгани деб Алишер Навоийни атаганди. Бу баҳо муҳтарам бобомизнинг қасида жанридаги меросига ҳам тегишлидир.

Шуниси қизиқарлики, баъзи шоирлар ўз қасидаларини «муламмаъ» (икки тилда) ёзганлар. Бунда бир байт ўзбек тилида битилса, иккинчиси форс тилида ёзиларди. Бу типдаги қасиданинг ёрқин намунаси Давлатшоҳ Самарқандий (Навоийнинг замондоши) қаламига мансуб ва унинг Алишер Навоийга бағишланган мадҳиясини келтириш мумкин.

Мана унинг матлаъи:

Субҳидам очди юзиндин пардан нилуфарий,  
Жилва берди ҳусни зебо аруси ховарий.  
Аз уфқ то шуд яди байзойи Мусо ошкор,  
Бу-л-ажаб, корони шабро рафт сиҳри сомирий.

Уфқда бўлғоч намоёнким Мусонинг оқ қўли,  
Во ажаб, тун зулматин сеҳри кўкдин кетди нари.

Ана шундай шакл қасиданинг тугалланмасида ҳам мавжуд: яъни кутилганидек, аввал ўзбекча ва ортидан форсча байтлар келади:

Туркисин кўруб қилурлар эрди тарки тавба ҳам,  
Гар тирик бўлсалар эрди Лутфий бирлан Курдарий.

Во вужуди форсий дар жанби шеъри комилаш  
Чист ашъори Зуҳайру кист борий Анварий?  
(Форсида битган етук ашъорларининг олдида  
Ул Зуҳайрнинг шеърлари не, ким бўлибди Анварий?)

Навийи замониди қасида битиш анъанаси ўз чўққисига кўтарилиди. Бироқ бу традиция ундан сўнг ҳам сўнмади. У Бобур (бир фахрия ёзгани маълум), Мунис Хоразмий, Огаҳий ва бошқа классик давр адабиётининг машҳур намоёндалари ижодида ҳам давом эттирилди.

\* \* \*

В. Г. Белинский лирик поэзиянинг моҳияти ва ўзига хослиги ҳақида сўзлаб, «Мавзу бу ўринда ўз-ўзича қимматга эга эмас, ҳаммаси субъектнинг унга берган аҳамиятига боғлиқ, ҳамма нарса хаёл ва сезги билан мавзуга кирган руҳга боғлиқ», деганди. Бу ўта синчков фикр қасида жанрига ҳам тааллуқли.


Маълумки, қасида ҳар бир сарой доирасидаги адабий муҳитда етакчи жанр эди: унда (айниқса, мадҳ типиди) подшоҳлар, амирлар ва бошқа тарихий шахслар мақталар, уларнинг серҳашам ҳаётлари муболағаларга буркаб идеаллаштирилди. Бироқ аксарият шоирлар, аслида, ҳаётнинг ўзлари хаёл қилганларича мукамал, кишиларнинг ўзлари мақтаганларичалик етук бўлишларини исташарди, қасидаларида олға сурган гоёларни — уларнинг эзгу ниятлари эди. Бу гоёларга қахрамонларини даъват қилардилар, қандай бўлиш кераклигини бадий бўёқларда тасвирлаб беришарди.

Бу жиҳатдан қасида адабий ҳаётимизда ижобий ҳодиса бўлди. Шундай қилиб, қасидагўй шоирлар одамларни афзал ҳаёт зарурлиги ҳақида ўйга қасида ёрдамида чўмдирганлар. Натижада, ўзлари яшаб турган ҳаётнинг биқиқлигини, таназзулга юз туганлигини биллиб олишлари уларга унча қийин бўлмаган. Қасиданинг катта тарбиявий-эстетик аҳамияти ҳам ана шунда.

ЭМИНЖОН ТАЛАБОВ

# ҚАСИДАЛАР





САҶКОКИҒ

## УЛУҒБЕК МАДҲИЯЛАРИ

Жаҳондин кетти ташвишу мабодийи амон келди,  
Халойиқ, айш этинг бу кун сурури жовидон келди.

Тан эрди бу улус барча анингтек жони бор ё йўқ,  
Биҳамдиллоҳ ўғон фазли била ул танга жон келди.

Бу мавкиб гарди сурмоси топилмас эрди бериб жон,  
Кўринг кўз бирла ҳақ сунъин — ким, ўш хуш ройгон келди.

Аламтек барча бекларнинг боши кўкка керак текса,  
Ким онлар така қилғоли бу қутлуғ остон келди.

Жаҳондин Аҳраман кетиб мусаххар бўлғай инсу жинс,  
Ким Уш тахтини ел кўтруб Сулаймону замон келди.

Бойинди тахтининг қадри: ўзун тож кўкка ташлоди,  
Адолат боғи сабз ўлди, чу Нўшиниравон келди.

Керак жон булбули тун-кун наводин тинмаса бир дам,  
Чу дўстлариға хуррам ёз, адуларға хазон келди.

Раъийят қўй эрур, султон анға чўпон ё бўри,  
Бўри ўлғо-ю қўй тинғой, чу Мусотек шўбон келди.

Бу кундин сўнгра кўп тинғой раъийятлар риоятдин,  
Улус ҳаққида минг турла атодин меҳрибон келди.

Кўнгуллар бўлди хуш равшан кўриб, қолмади бир зарра —  
Қоронғулик кетиб, ҳоли чу хуршиди замон келди.

Севунсун хусравий олий гуҳар султон Улуғбек — ким,  
Шаҳаншоҳ Шоҳруҳбектеқ шаҳи ҳусравнишон келди.

Шу шаҳнинг лашкари қайси вилоят сори азм этса,  
Фалактин ҳар замон ул дам нидои «ал-амон» келди.

Булар элга қилич-найза олиб ҳайжога кирганда,  
Ҳеч иш келмоди аъдодин, магар оҳу фиғон келди.

Бу лашкар етканин кўрсанг ясаб аъдонинг устига,  
Соғинғайсен, чирик эрмас магар гурзу синон келди.

Шаҳаншоҳо, сенинг отинг шаҳи кишваркушо эрди,  
Ол эмди дунёни кўкдин лақаб гети ситон келди.

Товару қўй бикин душман кўриб бахтинг қавийсини,  
Ўз илкин боғлаб оллингға заифу нотавон келди.

Кўриб тулки бикин душман инида ўлгай очликдин,  
Не қилсун устина ҳайбат билан шери жаён келди.

Қуруқ савдо пишурди-ю, вале хом этти ишлорин,  
Охири кўргул бу савдодин бошиға не зиён келди.

Аё шоҳо, малак сийрат, сенинг васфинг сўзи ичра  
Ўқийин эмди олингда яна бир дoston келди.

Эшикинг тупрақи мажруҳ бўлгон жону танларга  
Шифолик маҳрами бўлди, бисоти парнаён келди.

Неким Нўширавон адл иши ичра қилди тақсирин,  
Қамуғинга анинг бир-бир шариф зоти зимон келди.

Салотин дунёга кўп келди-ю кечти сенингтеқ бир  
Фалакнинг гар тили бўлса айтсун — ким, қачон келди?

Малакдек зуҳду тоатда ишингни мунтаҳо қилдинг,  
Бу иштин ложарам сидра сенга адно макон келди.

Қачон кайвон бикин онлар сарою тоқи олийға,  
Тилоса посбонлиқни шаҳи Хундустон келди.

Сенинг базмингда келтуриб эшикка Зухрани гардун,  
Деди танда эдинг адно, канизак мадҳхон келди.

Гадолар ройгон топғай зарурий моли Қорунни,  
Яди байзо бикин илгинг жаҳонға зарфишон келди.

Улусқа тўй берур бўлсанг қўюб олтин, кумуш, гирда,  
Мурассаъ инжулар бирла фалактин икки хон келди.

Қилич яшнатсанг урушта анинг кай шуъласин душман  
Кўруб айтур:— қамуғ, ҳай-ҳай, қочинг, барқи ёмон келди.

Ўқунгин кўрса саҳмингдин сўнгунгтеқ титрар аъзоси,  
Дегай аъдо-ким ўш жонға балойи ноғиҳон келди.

Киши-ким қаҳрингга учрар, шақоват ул борди,  
Вале лутфингни топгонға саодатдин нишон келди.

Шоҳо, лутфунгни топқум деб дуочи банда Саккокий  
Белин жони билан боғлаб бу хизматга равон келди.

Эрурман хонадонингнинг кўнгул бирла дуочиси,  
Менга бурҳон тилосалар, сўзим чин худ аён келди.

Мамолик назми-ю, диннинг қуруғидур шариф зотинг,  
Набийтек шаръий ишингда замиринг хурдадон келди.

Жаҳонда қарнлар тирик бўлуб иззат бирла турғил,  
Азал вақтида чун отинг шаҳи соҳибқирон келди.

\* \* \*

... Гулистон аҳлина бу кун эрур ҳам ийду ҳам наврўз,  
Улар гул сочтилар; мен ҳам кетурдим хуш бу ҳалвони.

Еҳуд гул вуслалариндин тикиб бир ҳилъати зебо,  
Бу мажлиста кетурмакка тилодим асли волони.

Тил очти бандатек савсан қўпуб озод ўрнидин,  
Уқумоқликка шаҳ мадҳин ясоди қадду болони.

Мангу ул кўб хитоб эттиким, эй девонаи доно,  
Не бўлди, кетдиму ақлинг, ким англамассан ончони?

Бу хилъатлар дағи ул шаҳ эрур, мен бир дуочиси,  
Анинг қуллари ўзинга тенг этмас ҳоли Дорони.

Эрур ул шоҳ Улуғбек-ким, ҳамиша тиғу адлидин  
Қилур дин ишини равшан, биҳишти сони дунёни...

\* \* \*

... Тилар кўнглум ўзин солса ва бўлса зулфина лола,  
Вале юз минг жонни елга охир берди бу савдо.

Ушал гултек юзунг ҳаққи, дағи наргис кўзунг ҳаққи,  
Мени тигратма тол янглиғ, эй қадди сарвдин раъно.

Санамлар зулфидъ: ўзга анинг аҳдида йўқ золим,  
Уларнинг кўзлари қилгай магар турк элларин яғмо.

Рубобу уд эшикингда магар ингрога-ю куйгай,  
Йўқ эрса; йўқ эрур бу дунёда куйибон инграган қатъо.

Жаҳонда ноҳақ айш кечти деган худ йўқ магар дам-дам,  
Сароҳи соқидин қилғой ҳаром қон тўкти деб даъво.

Фалакнинг тавсани бахлиги лқком уруб қилибон ром,  
Қўюбгур давлатинг онинг суруни узра ой тамғо.

Басе мажруҳ бўлур кўнглум фалакнинг тотрў айшидчи,  
Улоши айш этиб нодон, мудом меҳнат кўрар доно.

Шаҳаншоҳо, фалак кимдур санингтеқ шоҳ давринда,  
Мунингтеқ кўб жафо қилгай манингтеқ хаста жониф...

## АРСЛОН ХОЖА ТАРХОНГА БАҒИШЛАНГАН ҚАСИДАЛАРДАН ПАРЧАЛАР

Элингда муъжизи Мусони кўргузуб найзанг<sup>1</sup>,  
Асо чу сурату маъниси ичра аждарҳо.

Яна бу муъжиза кўргузгучи менинг зеҳним,  
Шеърда сиҳр айтару кўргузур яди байзо.

Сифотинг ичра ақл тузди марварид,  
Жаҳон ичинда онинг ҳар бирига йўқ баҳо.

Ва лек асру мажол ул замонадин бу манго,  
Дағи бир иккинни жотса ва айтса бу шуаро.

---

<sup>1</sup>. Арслон Хожа тархон — Улуғбекнинг катта амирларидан, қалам аҳлини ро-  
ят қадрлаган ва уларга раҳнамолик қилган.



Менинг бу зарраи вужудим ҳавоён меҳрингдин  
Жаҳонда сўз киби машҳур тобти қадри аъло.

Калом адо қилурида анинг шаккари лафзи  
Тили маоний баён этса тўтидир гўё.

\* \* \*

Эй фалак, чарх ургил иқбол олди юзингдин ниқоб,  
Чун саодат машриқиндин бош кўтарди офтоб.

Уш шараф буржинда туғди бир Хумоюн ахтари,  
Қим юрунди нури бирла ҳоли барча шайх — шабоб.

Ё латофат гулшаниндин гунча билгурди гул-о,  
Гул чаман ичра анинг лутфин кўруб бўлди гулоб.

Салтанат бўстони ичра унди сарв бутоқи,  
Сояси бўлғой жаҳон осойиши, қилманг шитоб.

Ё шижоат бешасинда туғди арслон боласи,  
Сиз кўрунг, ҳай-ҳай дегунча бўлғой ул бир шерғоб.

Бул вилоятдин севунди халқ олам барчаси,  
Хосса, Туркистон эли тобти бир молики риқоб.

Ҳақ они давлат била боқию поянда тутиб  
Кўрмасун бу хонадон даври фалактин инқилоб.

Дамбадам гўяндалар Саккокий шеъриндин ғазал  
Хуш ўқиса вазн уза тузгон тикин дурри хўшоб.

Худ ғараз дафъи маломат қилса махдуми жаҳон  
Осифя жам остону Жоми рой-у комёб.

Мен бир эшикта қулунгдурмен заифлар кўнгли тек,  
Сўрсангиз эшикталарнинг ҳолини бўлғой савоб.



ҲОФИЗ ХОРАЗМИИ

\* \* \*

Тамом ўзунгни фард айлаб тиласанг файзи фардони,  
Кўрасан жон кўзи бирла букун аҳволи фардони.

Киши-ким, ёнмайин ёнса ҳамиша ишқ ўтинга,  
Уш ул нори муҳаббатдин кўрар кўз нур руҳоний.

Ёдинг бирла қоришиғлу чиқоси оҳи дудосо  
Киминг ишқ ўти бирла ҳар дамда ёнадур жони.

Тилагил жони тан бирла ҳамиша ишқнинг йўлин,  
Чу ишқ ила шараф топти жаҳонда руҳи инсоний.

Талаб йўлида ўзунгни қачон-ким ҳокироҳ этсанг,  
Равон юз кўргуза ул дам санга юз лутфи раббоний.

Шароби васлидан қонмоқ тиласанг ҳар дам, эй толиб,  
Жигарни қон қилиб матлуб учун тиккилким ул қони.

Юзунгни каҳрабо янглиғ қилиб кўз ёшини қон қил,  
Ярошур зарри холис узра чун лаъли бадахшоний.

Мужаррад бўлгилу қатъи халойиқ қилгил: эй доно,  
Келур зебо чу меҳру моҳға пайваста урөний.

Мақоми завқда эрсанг қабойи танни чоқ айла,  
Баҳор айёмида гулнинг бўлулр чок гирибони.

\* \* \*

Қаму асрори ғайби жамъ кўрунғай санга равшан,  
Кўнгулунг кўзгусинда бўлмаса занги паришоний.

Сўзунгни кофиру мўмин ўқуб уқғай сафо бирла,  
Сафонинг юзидан топса асар бу лавҳи пешоний.

Азизи Мисри маъно бўлғасан чоҳи жаҳон ичра,  
Агар Юсуф бикин ўзунгни кўрсанг мунда зиндоний.

Қачон-ким мунзавий қилсанг ўзунгни кунжи ғурбатда,  
Ўш ул кунж ичра кўрунғай санга ваҳдат биёбоний.

Тиласанг хон раҳматдин насибу афзон толиб,  
Бўла кўргил бу дам ул саййиду-с-содот меҳмони.

Чун улдур неъматуллоҳ вале очди лутфиндин,  
Ҳамеша очларга раҳм айлаб хони раҳмоний.

«Аналҳақ»дин дам урса, олам ичра не ажаб бўлғай,  
Чу чоҳирдур ўш онинг жуббасинда рамзи субҳоний.

Намадлар ичра асҳобий кўринурлар гадо янглиғ,  
Вале мулки маъонийда эрурлар кўси султоний.

Ниез айлаб агар мўри заъифа келса хидматға,  
Берур ул мўрға ҳиммат била мулки Сулаймоний.

Халойиқ даъвати учун қачон хони сафо чекса,  
Малойиқ шаҳлари бирла қилур анда магас рони.

\* \* \*

Анинг даври вилоётинга сўрар эрсанг,  
Азалдан то абад зоҳир эрур таърихи даврони.

Жаҳон вайрон бўлиб дайёр қолмас эрди оламда,  
Вилоят ҳукми бирла қолмаса эрди жаҳонбоний.

Ҳумойн ҳиммати бол очса: сиғмағай бу оламға,  
Чун эрур тош бу оламдин ул шаҳбоз жавлони.

Ушанинг зоти бирла ушбу олам тенг бўла билмас,  
Ким онинг зотидур боқию бу олам эрур фоний.

Ярутқон бўлса олимнинг кўнгулин нури урфондин,  
Ғариб эрмас бу қудратни чу бергандур яратқони.

Қуёшу ойдин қайда бўла билғай эди равшан,  
Жаҳонда мунташир бўлмаса эрди нури урфоний.

Агар минқоди бўлса, жинси инсон не ажаб бўлғай,  
Мусаххар чун анга бўлди нуфуси инси-ю жони.

Тариқат йўлининг одобин андин изласун толиб,  
Чун эрур хизматинда ақлу кулл тифли дабистоний.

Ҳақиқатда гар ийд эрмас анинг завқийи дийдори,  
Недин кешиндаги толибнинг эрур жони қурбони.

\* \* \*

Кимунг-ким солса ҳолинға назар айни июнотдин,  
Ҳидоят нуридин равшан бўлур шамъи шабистони.

Агар мен от учун отини отарсам ғариб эрмас,  
Қилур оти била жамъи малак чун субҳагардоний.

Жаҳон бир номаю асрори ғайби андадур музмар,  
Вале номи кўринур ушбу номи нома унвони.

Юзи чун нори хандону маҳосин қор янглиғ оқ,  
Вилоят нори нуриндин эрур бу икки бурҳони.

Юзин кўрган аро ҳайрону данг ўлсам ажаб эрмас,  
Жамоли ҳақни кўрганнинг ишидур дангу ҳайроний.

Наво булбул бикин ушшоқ этар юзини кўрганда,  
Чу юзунда кўринур зоҳиран ваҳдат гулистони.

Шакар янглиғ ялаб эшики тупроқин қилурман завқ,  
Чун ул тупроқ бу жонсизнинг эрур оби ҳайвони.

Ҳавойи ҳидматин ҳар ким тиласа жону тан бирла,  
Ани вобаста қилмағай табиат чор аркони.

Ҳавойи қулликнингдин ўзга йўқтур хаста кўнглимда,  
Вале ҳақ қошида йўл топмади васвоси шайтоний.

\* \* \*

Паноҳ айлар ўш анинг сояйи лутфини жонимким,  
Уш ул алтофидин руҳоний бўлур таъби жисмоний.

Топар жон тўтиси қути равонни ҳар нафас шаксиз,  
Қачон-ким маърифат тавринда қилса шаккарафшоний.

Агар саррофи сўз эрсанг, ўқи девонини доим,  
Чу маъно гавҳариндин тулуъ эрур баҳри девоний.

Келаси нақш бўлмаи мумкиноти ғайбдин пайдо,  
Қилур асрори шеър ичра бас рамзи пинҳоний.

Анга соний кўринмасдур, неча боқсам жаҳон ичра,  
Вале халқи жаҳон эрур анга жони била соний.

Фалак узра малак айтур саноу мадҳини доим,  
Санингтаклар қайда бўла билсун санохони.

Мақоми мустафову муртазо ўзиндадур холий,  
Вале мушкил эрур ман қулға ҳассонию Салмоний.

Гар ул хоқони мулки маъни ман қулға назар қилса,  
Бўлур эрдим хатосиз бори бу тавр ичра Хоқоний.

Либосу суврати сўздин мурод ул зоти маънодур,  
Каракса бўлсин ул сўз туркию ибрию сурёний.


\* \* \*

Вужуди поки тоҳир абри раҳмат бўлмаса эрди,  
Қачон ёғғойди ман хокиға андин лутф борони.

Вилояту каромату карам ўзиндин изда-ю,  
Бўлубдур Ҳофизи Хоразмий жони бирла Кирмоний.

Неча-ким чархи гардунда бўлур бўлса, равон бўлсун,  
Ўзининг пок зоти бирла шаръю ҳам мусулмоний.

Тақи ҳар неча-ким бўлса, қазо бирла қадар ҳукми,  
Равон бўлсун икисинға ўзининг ҳукми фармони.



ГАДОИИ

## ҚАСИДАЛАРДАН

Замоний субҳидам андиша бирла ҳамнишин бўлдум<sup>1</sup>,  
Ки муддатлар анингла бўлмиш эрдим ҳар қаён ҳамроҳ.

Дедимким, билса бўлмас дунёнинг ишини баъдал-ёвм,  
Агар топса заволи бу камоли салтанат ногоҳ.

Кима қолғой бу мунча кирудору мансаби олий  
Ким ўлғой қобил ўш мукнатға ким бўлғусидир шоҳ.

Ато бахши ким онинг раъйн фаёзиндин олулар,  
Букун ҳаққо ривожу файзи баҳру кону маҳру моҳ.

Асос базмини кўргоч, хирад ҳайрон бўлуб айтур:  
Зуҳо ишрат, зуҳо ҳишмат, ажойиб фар, ажойиб жоҳ.

Масоф ва разм ичинда ҳам музаффар бўлғуси лобудд,  
Абадға диггру чун эрур азал лутфи анго ҳамроҳ.

---

<sup>1</sup>. Қасида Темурнинг набираси Халил Султонга бағишланган.

Анингдек шоҳ пайдо бўлмади азз боргоҳинда,  
Қазо фиरोши илҳақ тиккали бу хайма-у хиргоҳ...

Шаҳо, даври қамарда халқи оламнинг умидисан,  
Мунигдек чун жаҳонда зикри хайринг тушти дар афвоҳ.

Сенга хат ўлғусидур салтанат мардона бўл, айш эт,  
Амал элини ҳиммат этагиндин қилмағил кўтоҳ.

Гадо айтур дуойи сидқ бирла мустажоб ўлсун,  
Ким эрур жумла зарроти жаҳонға бу дуо дилхоҳ...





АЛИШЕР НАВОИИ

УЛУҒБЕК МАДҲИДА

\* \* \*

Темурхон наслидин Султон Улуғбек,<sup>1</sup>  
Ки олам кўрмади султон анингдек.

Унинг абнои жинси бўлди барбод,  
Ки давр аҳли биринин айламас ёд.

Ва лек ул илм сори топти чун даст,  
Кўзи олинда бўлди осмон паст.

Расад-ким боғламиш: зеби жаҳондур,  
Жаҳон ичра яна бир осмондур.

Билиб бу навъ илми осмоний,  
Ки андин ёзди «Зичи Кўрагоний».

Қиёматга деганда аҳли айём,  
Езарлар онинг аҳкомидин аҳком.

---

<sup>1</sup>. «Фарҳод ва Ширин»дан

## ТУҲФАТУ-Л-АФКОР (Тафаккур туҳфаси)

Подшо тожида ёлқинли лаъл бўлса безак,<sup>1</sup>  
Бошдаги ҳар хом хаёлга тоб берувчи чўғ демак.

Оқибатни ўйламас шоҳдан келур вайронлик,  
Охири гар бўлмаса Хусрав — хусрликдан<sup>2</sup> дарак.

Зебу зийнат қайдидан шоҳ шаънига етгай пугур,  
Билки шер занжирга тушса, савлатин босгай пўпак.

Холи бўлмоқ лозим эрмас шоҳга бош оғриғидан,  
Довулин кўр, бўш ичи бош оғритар бир тартарак.

Қақраган оғиз ва нам кўзга қаноат айлагил,  
«Хўл-қуруққа қонеъ ўлғон ер ва сув шоҳи» демак,

Хожа бир нарса олай дер, дилда аҳду бош эгик,  
Қози кўз тикмиш эшикка орзусин айлаб бўнак.

Токи мавжуддир риёкор шайх рост дилга азоб,  
Қўп азоб бергай юпунга изғирин ҳам яхмалак.

Уйқуда вақ-вақ гапиргандан кулар оқил киши,  
Кулгига боис агар кимнинг сўзи лофу пучак.

Тамаъгир воиз гадо бирла баробардир ва лек  
Биттаси минбарга чиқмиш, бошқаси пастда ҳалак.

Ул фириб тасбеҳининг ҳар донасидан макр унар,  
Дона охир мева бергай жинсидан отиб фалак.

---

<sup>1</sup>. Форсчадан Ш. Шомухамедов таржимаси

<sup>2</sup>. «Хусрав» (шоҳ) сўзининг охиридаги «ав» бўлмаса, «хуср» (вайроналик)га айланади; шунга ишора.

Гар фақиҳ макр-риё бирла тузар фатвосини,  
Ул фақиҳ эрмас: касал бир кимса, виждон ғалвирак.

Ҳийлагар қози агар шоҳид йиғар ҳукми учун,  
Халқ кўзига чиндек аммо, асли ёлғону хашак.

Ким тутар жабру жафо йўлин агар жоҳил ўша,  
Жаҳлидан кетса йироқ илми анинг зоҳир демак.

Юк билан юргувчилар қаҳрини осон ютар,  
Нор туя оғзида ёнтоқ ҳам мисоли хурмадек.

Аҳли дил олдида «донолар» агар лоф урсалар,  
Бўлсин Афлотун, бошида тож,— сўзи бенамак.

Гар сўз айтар бўлса нодон ул мазах бўлгай чунон,  
Тақса кўзмунчоқ ҳамон кулкуга қолгайку ошак.

Тун кеча юлдузга боқсанг: чодрада бойқуш кўзи,  
Ҳийла найранг ҳамда ёлғону яшиққа муштарак.

Чарх ўзи бир хаста, пархез айлар ундан соғ киши,  
Чунки аъзосинда юлдуз доғи иллатдан дарак.

Осмон қон тўкса йўқдир ҳеч ажаб-ким, аслида  
Барглари кўм-кўк ҳино очгайку қирмиз бир чечак.

Сўз ташувчи кимса озор бергувчи ёрдир сенга,  
Тил эса тиф жонга ботган, оғзида заққум сўлак.

Гар разил шоҳи ва атлас кетида ўлса нетонг,  
Пилла қурт ўз устига тортган кафан ҳамку ипак.

Нози — неъматдан етар сўфи сулукига зиён,  
Чин сафарга на семиз, на ориғ ўлғон от керак.

Сабру тоқатли кишига ғам сололмайдур ажин,  
Сувга мавж солган шамол тошни қилолмас чирпирак.

Паст киши қалбига ниш олийжаноблар ҳар мўйи,  
Бургуту лочин патин жонига тиг дер лойхўрак.

Кўпни кўрган кимса гар кўрса узоқни не ажаб,  
Жоми Жамшиддир дили, кўзгуйи Искандар юрак.

Мушки анбарга қўшоқдир яхшилиқ қилган киши,  
Зоҳир этса гар тубанлик; у нажасга эгизак.

Ишқсиз дил қоп-қаро, ишқ бирла бўлгай нурфишон,  
Қоп-қора кўмирни чўғ этмакка иссиқлик керак.

Яхши ном ганжи ақлдир, ишқ эса олам эрур,  
Уй тутиш хотин иши, аскарлик эрга нон — намак.

Мард кишиларга нажот бергувчи хат дил қонидир,  
Қоса четига битилган байтлар риндга тилак.

Хор этилганлар — асирларга болишдир хора-тош,  
Ҳам шаҳидлар ёстиғи қонли либос, қонли этак.

Мард кишига, бил, фоно мулки эрур манзил фақат,  
Офтобга Шарқдан то Ғарб бир кунлик йўлак.

Қўлга кирганни абад бойлик деб ўйлар паст киши,  
Тушга не инса, ишонгайдур хасис этса пинак.

Тил тигин чўзма, ки шамнинг бошида тож бўлса ҳам,  
Бошини кесмакдур одат, гарчи олтин бошда лак.

Беғуноҳга тил тиги бирла магар этмак жафо,  
Соғ томирга тиг уриб қилмоқдир они жонсарак.

«Давр» бўлғайдир, алифсиз қолса гар «довар» сўзи,<sup>1</sup>  
Эгри ҳокимни қилур охирда саргашта фалак.

Заҳмат аҳли кўп баланддир ҳоким аҳлидин, чунон,  
Шер қилолмайдур минорга хокисор қумрисқадек.

Золиму одил бир эрмас мамлакат обидида,  
Чунки деҳқондир бўлак шудгор аро, тўнғиз бўлак.

Икки подшо — икки «қайсар» сўзидан «сарсар» чиқар,  
Икки шоҳ учрашса кўпгай ўртадан боди кузак»,<sup>2</sup>

Хотиринг жам бўлмаса, келгай ҳаётга қисқалик  
Қим паришондир анга «қаср» ила «қайсар» муштарак.<sup>3</sup>

Мақсадин пок гавҳаридир касби ранжидан, агар  
Марди косиб кафтида бўлса қабарчиқ нақ гўлак.

Не била келдинг жаҳонга оқибат элтдинг шуни,  
Кексалик пайтигача қолгай не ўрганмиш гўдак.

Нотекис бўлса не ғам сайёраларга осмон,  
Ақли ҳимматга не ташвиш гарчи эгридир фалак,

Ҳийлагарнинг сўзи мисли лўттибознинг тарраги,  
Ўзгача лаззат берур тарракни ундирса палак.

Нуқтасиз шақкар сўзин ёзсангда «суккар» бўлғуси,  
Содда бўлса ҳам ширин, лафз маъниси ширин демақ<sup>4</sup>.

---

<sup>1</sup>. Арабча ёзилиш шаклига ишора. Унда «довар» («қози») сўзидан алиф тушириб қолдирилса, «давр» («айлана») бўлиб қолади.

<sup>2</sup>. «Қайсар» («подшо» сўзи икки бора тез қайтарилса, «сарсар» («бўрон») эшитилганидек, икки подшоҳ учрашса, уруш қўзғалади.

<sup>3</sup>. Арабча ёзилишига ишора. «Қаср» («қисқа») ва «қайсар» («подшо») сўзларининг шакли жуда яқиндир.

<sup>4</sup>. «Шакар» сўзининг арабча ёзилувида дастлабки ҳарфнинг уч нуқтаси тушириб қолдирилса, «суккар» («шакар») ўқилади. Демак, сўз барибир ширинлик маъносини йўқотмайди.

Сарви қомат кўринур парвонага кемтик шам,  
Ишқ кўзга кўрсатур нокасни ҳам мисли малак.

Кўп зарар иш ортида бор фойда ҳам маймунга, кўр,—  
Лўлнинг чилдирмаси ёрилса бўлғай чамбарак.

Комил одам кўзлари Хизр булоғидир ҳануз,  
Ким ани тотмиш сувин топгай абадликдан дарак.

Дин шарият ҳомиси Жомий қўлида лабо-лаб,  
Ҳавзи кавсардан зилол, барча орифларга етак.

Нурли фикр боғи жаннат, ҳар кўкатнинг баргида  
Акс этар рухсор қуёши, барқ уриб яшнар чечак.

Таъби юксак бир чаман, ҳар гули онинг кўйлаги,  
Кўйлагининг тугмаси шуҳратда осмону фалак.

Чарх онинг илмидин ўзни четга олмишдир, чунон  
Жоми ичра ҳар кўпик денгизга қопқоқ бўлгудек.

Чарх юлдуз чўғига манқал эрур шойиста: мос,  
Хотири маъно дурига мос қутидир маъҳазак.

Тўкилур маъни қизи онинг каломидан чунон,  
Хомаси — волидаю маъно анга фарзанд — гўдак.

Бокира сўзларки жон бахш этсалар ҳеч йўқ ажаб,  
Кимга Маръям қиз, анга Исо набира бўлгудек.

Подшоҳ қилса гадоликни ҳавас, балки уни  
Бошида шўҳлик ҳавас этган гадо олмиш шатак.

Балки ҳиммат шамъи йўқлик уйида ғамга даво,  
Тунги сузган кемаларга кўкда раҳбар зоднак.

Бул назмга мен татаббуъ этдим озор таънадан,  
Ким набига чокар, у суннатга тобеъдир бешак.

Топди ҳар байти бунинг аъзамлар исмидан шараф,  
Байти сонини ҳисоб эт юз бўлур қўшилса як.

Арзигаъ ҳар байтини байтуллоҳ қўйсам номини,  
Чунки эғнида матонатдан қаро тўну этак.

«Тухфату-л-афкор» деб қўйсам отин этманг ажаб,  
Дуррини этмиш нисор кўксимдаги денгиз — юрак.

## ҲИЛОЛИЯ

Чун ниҳон қилди турунжи меҳри рахшон талъатин,  
Ошкор этти фалак бир тавқи ғабғаб ҳайъатин.

Бас ҳаёли равшани эрди вале андоқ дақиқ,  
Ким назаргоҳ айлар эрди гаҳ йўқ онинг диққатин.

Уйла зоҳир бўлди-ким, қилғой они кўргон киши.  
Дилбарим қошиғаю менинг қаддимға нисбатинг.

Ё хуруси чарх қилди ошкоро шаҳпарин,  
Ёки Баҳром айлади зоҳир қиличи шиддатин.

Ё тутиб қолди алам устидаги рахшанда наъл,  
Чун нигинсор айлади хуршиди рахшон раъйатин.

Ё Уторид килкида зарҳал тўконда кўкта чун  
Ёзди айни ийднинг аввалғи жузвий суратин.

Ё фалак қаддин ҳам айлаб келтуриб бир ҳалқа ёй,  
Ихтиёр айлабтурур Доройи аъзам хизматин.

Бу ажойбдинки етти раҳбанинг аввалғиси  
Зоҳир этти, солди туғёнга кўнгулнинг ҳайратин.

Мойил ўлди кўк томошасиға ҳисси босира,  
Топти чун ҳар лаҳзаи уъжуба пайкар руъятин.

Бор эди иккинчи масканнинг муқими нодири,  
Кўп билим аҳли дуруст эткай анга ўз ҳирфатин.

Сув киби ҳар зарф аро тутқон ҳам онинг рангини,  
Ўз димоғига солиб ғарро қасида фикратин.

Айламакка таҳният арзини байрам жашнида,  
Шаҳ вужуди чун мушарраф қилса тахти шавкатин.

Жилвагар учинчи гулшан ичра раъно шоҳиде,  
Бутратиб бўлмоққа ақл оғишта зулфи накҳатин.

Соз этиб чангу тузиб ул унга руҳафзо суруд,  
Ким малак кўнглиға солиб айш ила май рағбатин.

Чолибон нақшу амал боғлаб Навоий шеъринга,  
Ийд жашни хуш тутарға шоҳ базми ишратин.

Йўқ эди тўртинчи манзилнинг шабистонида шамъ  
Бориб эрди ёритурға шаҳ ҳарими хилватин.

Не учун — ким рўза юбсидин димоғ айларға ратб,  
Айлабон майли сабуҳий тузса базми ҳимматин.

Ҳар тараф шамъи муанбар, дуди ногоҳ қилмағай  
Тийра ҳам нозук димоғин ҳам эрамваш суҳбатин.

Ҳукмрон бешинчи торам авжида бир қаҳрамон,  
Тийғи қаҳридин томиб қон, сурса кину ваҳшатин.



Худ ила равшан кийибу боғлабон тиғи камар,  
Рустам ойин соз этиб пархош ҳайжо олатин.

Ким саҳаргаҳ чун қабоқ майдониға отланса шоҳ,  
Оллида қилғай ясовулликқа зоҳир журъатин.

Ултуриб олтинчи манзар узра бир фарҳунда зот,  
Ким вужуди айлабон зоҳир малойик исматин.

Руҳ англаб жабҳасидин нури тақво ламъасин,  
Ақл топиб зетидин илму саодат савлатин.

Айлабон иншоки минбар узра тангла худбада,  
Зоҳир эткай шаҳ отидин сўнг дуою мадҳатин.

Мустакин еттинчи дайр ичра муаммар ҳиндуий,  
Рангу сайри кўргузуб ушшоқ шони фурқатин.

Сайрдек коҳил хирому ҳажр янглиғ тийрарўй,  
Кимса билмай жунбушу орони тулуъ муддатин.

Шоҳтин байрам шариф топқонни англаб, гум қилиб  
Оби ҳайвондек адам сори нуҳусат зулматин.

Саккизинчи соҳат узра юз туман сиймин бадан  
Зоҳир айлаб сабза узра жола ёққан ҳайъатин.

Йўқки гардун, ложуварди атласин ёпиб қазо,  
Гавҳару дур бирла соз айлаб саросар зийнатин.

Ёққали шаҳнинг фалакваш тахтиға байрам куни  
Чун ёпар жинси башар хайлиға хони раъфатин.

Тўққизинчи боргоҳ андоқки луббат чодари,  
Уйнатиб чархи мулоиб анда юз минг луббатин.

Ким чу шаҳ байрам нашоти қилғали тузганда жашн  
Ҳар ўюнчи зоҳир эткон чоғда лубий санъатин.

Шоҳнинг инъоми эҳсонидин ўлғай баҳравар,  
Кўргузуб ўз фаннида ул ҳам камоли диққатин.

Бу таажжублиқ сафардин чун тааққул қилди уд,  
Сайр аро қилгон киби зоҳир Уторид ражъатин.

Чун Уторид чархиға еттим: табиат қилди майл,  
Кўргали назминки, зоҳир қилди таъбий жавдатин.

Ул ҳуд эткан эрмиш ушбу шеъримда фикри жавоб,  
Матлаъи бу эрди, кўрдум чунки назми риққатин:

«Эй сенинг қошинг қилиб зоҳир янги ой ҳижлатин,  
Вай, юзунг шарманда айлар эрди акбар талъатин».

Чу бу матлаъни эшиттим, рашк тугён айлади,  
Фош қилмоқ истадим оллида таъбим қувватин.

Шоҳ мадҳида бу матлаъни рақам қилдим равон,  
Ким қулоқ тутти Уторид зоҳир айлаб ҳасратин:

«К-эй қошингнинг рашки айлаб ҳам янги ой қоматин,  
Йиди рухсоринг қилиб нобуд байрам зийнатин».

Ким Уторидни хижл қилдим нашоту завқ ила,  
Уйга кирдим, кўрдим анда сархуш ул жон офатин.

Келган эрмиш маҳвашим байрам ҳилолин кўргач — ўқ,  
Зойил айларга кўнгулдин савму тақво меҳнатин.

Ҳам ҳаёда кўргузуб ақли мужаррад пайкарин,  
Ҳам сафода англатиб руҳий мужассам сувратин.

Лафзи зоҳир айлабон ҳар лаҳза руҳуллоҳ дамнин,  
Нутқи айлаб ҳар дам ифшо руҳи қудсий ҳолатин.

Ҳамузори синдириб хуршиди рахшон руъятин,  
Ҳам дудоғи паст этиб лаъли бадахшон қийматин.

Чу мени кўрдикӣ кирдим, музтариб қилди савол:  
«Ким не ҳол эрмиш санга, шарҳ эт анинг кайфиятин».

Юз тафохур бирла арз эттим Уторид ҳолини,  
Ким бу матлаъ бирла синдурдим шукуҳи шавкатин.

Онингӯ ўз матлаъимни чун ўқидим оллида,  
Таъбидин айлаб тамаъ кўнглумда таҳсин ғоятин.

Қулдию оллинда бор эрди қалам бирда давог,  
Ёзди бу матлаъни бир соатқа бермай муҳлатин:

«К-эй, юзунг зоҳир қилиб байрам сабоҳи сафватин,  
Анда қошинг айлабон пайдо янги ой ҳайъатин.

Мен бўлуб беҳолу масруъ ўйла-ким кўргай ҳилол,  
Оби ҳайвондек кўруб жонбахш лафзи лийнатин.

Ҳайратимдин шоҳ базмига ўзумни еткуриб,  
Шарҳ этиб сўзини ҳайратқа солурга ҳазратин.

Ҳам Уторид, ҳам ўзум, ҳам ул париваш назмини,  
Бир-бир айлаб шарҳу айтиб ҳар бирининг рикқатин.

Айлабон даъвоки: мумкин йўқ яна матлаъ демак,  
Шаҳ кулуб, зоҳир қилиб бу фанга таъби улфатин.

Филбадиҳа деб, бу матлаъни ўқуб юз офарин,  
Хусраву Салмону Жомий руҳи англаб надратин.

«К-эй, ҳилолинг майли айлаб тоқ кўнглим тоқатин,  
Жон бериб ёд айлагач ийди висолинг жаннатин».

Шаҳ чун қилди бу матлаъни адо, мулку малак,  
Чекти ун деб офарин бирла дуойи давлатин.

Қайси шоҳ ул-ким, азалдин ҳаққа эрмиш ул мурод,  
Халқ қилмоққа салотин гавҳарининг хилватин.

Шоҳ Абулғози саодат ахтари Султон Ҳусайн,  
Ким қуёшни зарра дер: кўрган сипеҳри ҳашматин.

Шоҳлар шоҳи демай, ул шоҳларнинг шоҳи-ким,  
Ҳар бири юз шоҳлар шоҳича тутқай мукнатин.

Шоҳлиққа ояти дарвешлиқтин кўрмайин,  
Бу риёи фақрича заркаш сарири рифъатин.

Шоҳлар дарвешию дарвешлар шоҳики ҳақ  
Шоҳ қилди сувратин, дарвеш қилди сийратин.

Эй жанобинг паст этиб гардуни воло поясин,  
Вай замиринг сўндуруб фирдавси аъло нузҳатин.

Зотинг ичра-ким эрур ҳар яхшилиғнинг жомийи,  
Ҳайи қодир зоҳир айлаб ўз камоли қудратин.

Раъйинг ичра келибдур ҳар ёруғлик манбаи,  
Фард воҳид боҳир айлаб ўз жамоли раҳматин.

Чун саҳокат илги очсанг: даҳр чекмас заррае  
Зар фишонлиғда қуёш ҳар панжасининг ҳимматин.

Чун зиёфат хони ёйсанг, жанбида топмас сипеҳр  
Жашни луъмат Ҳотаму Бармак бисоту неъматин.

Табъинг оллинда саҳоб андоқ ҳаёдин терлабон,  
Ким ҳамул суди юб ўздин дурфишонлиғ туҳматин.

Ҳилминг оллида жибол андоқ ўзин топиб хафиф,  
Ким таҳаттуқда беконмай барқи Хотиб суръатин.

Иш куни-ким кўк темир бирла таковар гардинин  
Ер фалак рангин тутуб, кийгай фалак ер кисватин.

Ер била кўкни совурмоғ бирла офат сарсари,  
Зоҳир эткай олам аҳлиға қиёмат шиддатин.

Чархи золим кийнаварлар тийғин айлаб восита,  
Қатли ом ойинида тутқай ғанимат фурсатин.

Тийғлар пўлодидин парколаларнинг тоси чарх,  
Жам қилгай муздек эзмакка ажалнинг шарбатин,

Ҳар қизил воло ялов бўлгай сариғ: баским қилич  
Бошқа келгон чоғда зойил қилғой онинг ҳумратин.

Шахси жисмий лойи нафъ ўлгай боқаси шаънида,  
Хасм топқоч хасм илгидин балорак зарбатин.

Дулиғодин тийғ-ким ўт секретиб, рангин қилиб  
Шуъласи Баҳром важҳин, дуди Қайвон жабҳатин.

Чарх миръотида аксидин шафақ қилгай зуҳур,  
Баски қондин лаългун қилгай қазо ер соҳатин.

Ул замон ҳар сори юзланса, Ҳумоюн кавкабин  
Солиб офоқ ичра рустахез шайну ҳижнатин.

Тушса ҳар ён тийғинг, олгай бениҳоят халқнинг  
Жисмидин бош заҳматин: бошдин таманно заҳматин.

Разм майдонида тийғинг чиқса қиндин бир нафас,  
Қимса тахмин айлай олмай хасм жисми касратин.

Ҳар бирига юз тумон ётгон ўлук бўлғай насиб,  
Юз тумон минг мурнинг гардун аюрса қисматий.

Лаҳза-лаҳза раъяти Мансуринг ўлғай жилвагар,  
Эстуруб ҳақ фатҳ боғидин насими нусратин.

Разм аро ҳар шоҳнинг мулкинки олиб базм аро,  
Бир гадоға жуд этиб они, кўруб чун зиллатин.

Хусраво, зотингни мадҳ этмак Навоний ҳадди йўқ,  
Авло ул-ким, зоҳир эткай бенаволар одатин.

Токи байрам шоди савм аҳли талаб қилғай ҳилол,  
Рўза ният айламай қилмоқ май ичмак ниятин.

Ҳар кунинг байрам бўлиб, жойинг ҳилол ўлсун мудом,  
Кўрмагил беайш умрунг муддати бир соатин.

Лек умринг тувли юз навбат зуҳал давронича,  
Фарз эта олса хирад минг йил анинг ҳар навбатин.

Янги ою ийд икки қуллуғчинг ўлсун: айлаган  
Сен ҳилол онинг отин, байрам бу ернинг кунятин.

## ФАХРИЯ

Деёлмасменки Хусрав ё Низомий<sup>1</sup>,  
Ва ё назм аҳлининг сархайли Жомий.

Нечукким чектилар тил ханжарини,  
Саросар олдилар сўз кишварини.

---

<sup>1</sup>. «Фарҳод ва Ширин» нинг хотимасидан .

Алар ўтрусида мен ҳам чекиб тиф,  
Чекарға сўз синонин қилгамен биф.

Вале ҳақ лутфига элтиб паноҳи,  
Шаҳ иқболидин истаб такягоҳи.

Деёлмайменки кўп айлаб тазарруъ,  
Буларга айлайолғаймен татаббуъ.

Ки арз этсам менга етмай малолат,  
Ҳаводоримға юзланмай ҳижолат.

Бўлуб «аҳсанта»<sup>1</sup> лафзи элга ойин,  
Етишгай шайхдин эҳсон, дағи таҳсин.

Низомий олса Бардаъ бирла Ганжа,  
Қадам Рум аҳлига ҳам қилса ранжа.

Чекиб Хусрав дағи тиғи забонни,  
Юруб фатҳ айласа Ҳиндустонни.

Яна Жомий Ажамда урса навбат,  
Арабда дағи чолса кўси шавкат.

Агар бир қавм, гар юз, йўқса мингдур,  
Муайян турк улуси худ менингдур.


Олибмен тахти фармонимға осон,  
Черик чекмай Хитодин то Хуросон.

Хуросон демаким, Шерозу Табриз,  
Не қилмишдир найи қилким шакарриз.

Кўнгул бермиш сўзумга турк жони ҳам,  
Не ёлғуз турк, балки туркмон ҳам.

---

<sup>1</sup>. «Аҳсанта» — қойил сенга, яхши бажардинг! (арабча)



МУНИС ХОРАЗМИИ

### БАҲОРДА

Муждаки охуйи меҳр ҳутдин айлаб гузар,  
Қилди ҳамал даштиниинг гулшани сабзин мақар.

Фавжи тароват кетиб: қилди саф оройлиқ,  
Хайли бурудат бўлиб: қойили «айнал-мафар»?

Қундуз ўлиб мустазод мисраи тадриж ила,  
Тун ғазали вазнидин кам-кам ўлиб мухтасар.

Ҳар неки найсон кечиб доманин эҳсониндин,  
Бази фуюзотига шомил ўлиб баҳру бар.

Баъзи матар-ким нузул айлади дарё уза,  
Нутфадек ўлди садаф парваришидин гуҳар.

Қайси гуҳар-ким эрур ақл кўзи равшани?  
Тожи салотин топиб нисбатидин зебу зар.

Ҳар неча эмтори-ким, тушти қуруғлик аро,  
Дона кўкарди, ёғоч сабза бўлиб сарбасар.



Қилди насимн баҳор субҳ киби чоки жайб,  
Гунча ниҳон сирриға ҳар дам ўлиб пардадар.

Булбули ошифтани айлади ошифтароқ,  
Гуллар ўлиб оташин; чеҳра била жилвагар.

Сунбули райҳон иси очти димоғи чаман,  
Андин ўлиб мунфаил нофа била мушки тар.

Хўблар оғзи уза хол ила хатдек бўлуб,  
Чашмалар атрофида сабза била нилуфар.

Тоғу биёбон аро бўлди чаман ошкор,  
Равза гулистонидан ер юзи берди хабар.

Лаълу зумуррад териб: сабзаву гул боғ аро,  
Минтақан чархдек қилди мурассаъ камар.

Қўйди табойиъ сори юз тараби тоза рў,  
Бўлди замойир аро рафъи ғами кўҳна сар.

Сарв уза қумри солиб бўйнига тавқи нашот,  
Гул уза булбул чекиб чаҳ-чаҳи ишрат асар.

Моҳ жабинлар тутиб гўшаи гулшанда базм,  
Бода қуёшидек юруб, давр қилиб жоми зар.

Васл аро ушшоқда етти масаррат, топиб  
Ҳусн тамошосидан нашъаи файзи назар.

Топиб рахойи жунун ҳалқан занжиридин,  
Телба кўнгуллар солиб олам аро шўру-шар.

Барча ичиб пўши айш соғари наврўздин,  
Нашъаи завқи тараб қилдилар афзун магар.

Манки фалак гардиши соғаридин нўш этиб  
Бодаи ёқут ранг ўрнига хуни жигар.

Ҳодиса афвожининг асри лагад кўбидин,  
Жамиятим кишвари бор эди зебу забар.

Жон аро ҳасрат ўти ўйла забона чекиб,  
Ҳар шарари ҳирқати тарх қилиб бир сақар.

Ашки малолат оқиб дийдаи хунбардин,  
Ер ўзи баҳри бўлиб нашъасидин ҳар матар.

Ўйла кўнгул: оҳлар шиддат аро ким чекиб,  
Ерга варақдек бориб бу фалаки кийнавар.

Бошима туфроқ сочиб кулфат илиги била,  
Гард аро бўлмайд падида хаста танимдан асар...

## ИЙД

Чун ёшурди шоҳиди хуршид рахшон талъатин,  
Кўк ҳилоли ийддин кўргузди қоши ҳайатин.

Ё битибдур ийд айни ҳалқасини мунфаил,  
Сабт этар чоғда Уторид ийднинг таҳниятин.

Ё малойик рўза аҳлидек ибодат қилғали,  
Чекдилар гардун уза меҳроби тоат суратин.

Ё намоз ичра рукуъ айларда зоҳир ажз ила,  
Бори тоат ҳам қилибдур рўза аҳли қоматин.

Ё нашот аҳли тутарда равзаи шаҳри сиём,  
Нисфи синмай қолди синдурғонда жоми ишратин.

Ё саманди шўх жавлон наълининг нақши эрур,  
Шахсуварим сайр этарда ийдгаҳ ноҳиятин...

Бу сифат тардид аро қолди хаёли мудрика,  
То камоҳий англагунча моҳи нав ҳаққиятин.

Сўнгра андин англабон бир-бир тўққиз гардун уза,  
Сайри ҳисси босира тортиб ливойи нузҳатин.

Сабъаи сайёрани айлаб тамошо, кўргузуб  
Ҳам савобит жилвагоҳиға ружуи рағбатин.

Ҳар биридин ўзгача ҳосил қилиб коми мурод,  
Фош этиб олам гулистониға андин ражъатин.

Бу гулистон ичра элга фатҳ ўлуб боби тараб,  
Мунаввийлар синдуруб, очти тилисми узлатин.

Ийд асбобин муҳайё қилдилар ҳар хосу ом,  
Айлаган ташхис нозирлар янги ой раъятин.

Қилдилар ҳар соат ишрат аҳли оҳанги нашот,  
Айлабон ораста ҳусн аҳли бирла суҳбатин.

Шаҳр бўлди гулшану саҳро юзи ҳам лозазор,  
Баски ийд аҳли муҳайё қилди мажлис зийнатин.

Юзланиб ҳар лаҳза шоирларга файзи инбисот,  
Тоза қилди ҳар бири бир назм бирла фикратин.

Мен доғи ул жумладек фил-жумла табъим очилиб,  
Гулшани фикримда кўргуздим Эрам хосиятин.

Журъате айлаб Навоийға татаббуъ айладим,  
Сафҳа узра хома сурдим истаб онинг ҳимматин.

Матлаъе қилдим хаёл ул навъким фикр айлаган  
Фаҳм қилғуси назокат ичра онинг диққатин.

Эй қошинг меҳроби тарх айлаб янги ой ҳайъатин,  
Вақф анга қилмиш малойик хайли нақди тоатин.

Чун бу матлаъ фикрига топти хаёлим ихтисос,  
Кўнглима солди ҳавас бу навъ даъви наҳватин.

Ким киши бўлғайму-ким, деса бу матлаъга жавоб  
Кўргузуб арзи балоғат ичра табъи ҳиддатин.

Бу хаёл ичра эдим, ногаҳ Уторид хандазин,  
Байту-л-аҳзонимга еткурди қудуми нузҳатин.

Турдим у арз айладим матлаънию даъвини ҳам,  
Истимоъ этгач бу янглиғ чекти маъни суратин.

«Ким кўнгул гулзоридин хошоки наҳватни арит,  
Кўпдурур оламда сайр этган маъони жаннатин...»

## ЭРУР ЧАРХ БЕРАҲМ

Эрур чарх бир турфа бераҳму қотил,  
Ки осмиш моҳи навдин ҳамоил.

Шафақ дема-ким, меҳр қони тўқулмиш —  
Кўмар чоғда ерга қилиб ним бисмил.

Бу мотамда кундуз юзин айлабон зард,  
Анга тундин этмиш қаро кийз саробил.

Кавокиб дема, тун шабистони ичра  
Жафо шуъласидин ёқибдур машоил.

Анга зулми етмас яқо чокига субҳ,  
Очар нега тун пардасидин аномил.

Тўкар не учун абр ашки фаровон,  
Чекар не учун раъд фарёди ҳойил.

Анинг оллида илмдин жаҳ хушроқ,  
Анинг оллида ҳақдин ортуқси ботил.

Сафарвин вафо бирла меҳр айламакдин,  
Вале кинаву фитна ҳамлиға ҳомил.

Ангаким берур давлату иззук иқбол,  
Узоққа етурмас, қилур тез зойил.

Биров топса ёру паризодиға қурб,  
Бўлур дев хайлидек ўртада ҳойил.

Чучутса биров комини ком нўши,  
Қуяр жоми айшиға захри ҳалоҳил.

Ҳамиша улус инкисориға жоҳид,  
Ҳамиша халойиқ шикастиға шоғил.

Хусусан кишиким эрур аҳли дониш,  
Анга зулмини айлар ортуқси шомил.

Жафо айламакликда тақсир қилмас,  
Хирад ичра ҳар кимниким топти комил.

Мунинг бирла бас қилмайин зулму озор,  
Қилур мубталойи нифоқи арозил.

Улум ичра гар рифъатий топса олим,  
Қилур хор: балким гирифтори жоҳил.

Қаю ерда бўлса гуруҳи аолий,  
Анинг қаҳри бирла залили асофил.

Бўлуб назм эли дафтаридек паришон,  
Муқаффал аларға жамъи мадохил.

На шеър иртифоъий топадур, на шоир,  
На фазл эътиборий топадур, на фозил.

Хусус улки бечора мадҳ боғлаб  
Агар мунъима базмиға бўлса дохил.

Сила ўрнина кўргузуб юз тамасхур,  
Ани музҳал айлар; арозилни ҳозил.

Бу янглиғ жафосиға йўқ ҳадду ғоят,  
Замони анинг кинидин бўлма ғофил.

Фалак шиквасиға туганмак на мумкин,  
Агар шарҳиға тортсанг хома юз йил.

## ЧАРОҒИ НАСИҲАТ

Туники зулмату кулфатдин ўлди тийра нигоҳ,  
Чароғи нола ёқар кулбам ичра шуълаи оҳ.

Замона боғламиш абвоби комим андоқ-ким,  
Кўз очсам ашк бўлур садди раҳгузори нигоҳ.

Насибам ўлди бу боғ ичра талх ком ўлмоқ,  
Ки тухми найшакар экдум, кўкарди захри гиёҳ.

Нечук чиқай барру баҳру балову гамдин-ким,  
Манга на пойи тараддуд дурур, на дасти шиноҳ.

Вужудим оҳи жаҳонсўз бирла кул бўлди,  
Ки барқ оллида ёнмай қолурму хирмани коҳ.

Қиём кўргузиб эрдим нағу хасоратға,  
Ки чарх айлади юз минг балони бод афзоҳ.

Хусул комиға дасти тасарруфим етмас,  
Зи баски қилди ани номуродлиғ кўтоҳ.

Хунар дўкониға терсам агар матои нафс,  
Қилур касод ила савдойи айбжўй табоҳ.

Аларки саъйим ила қилди тезлик ҳосил,  
Йўлумда тийғ чекар нечукки санги фароҳ.

Суҳайли парваришимдин аларки топти ранг,  
Баҳори гавҳари қадримни қилди ҳоки сиёҳ.

Ғамимға йиғлағудек йўқ кишим бағайри сиришк,  
Куярга дардим учун ғамгузор йўқ жуз, оҳ.

• Санову мадҳим этар элга алсина тутулиб,  
Изову кубҳим этар элга очилиб афвоҳ.

На ғамгузорлиғ айларға бор табъ писанд,  
На дардмандлиғ айларға мунису дилхоҳ.

Мен асири балоға замона ғам едурур,  
Нечукки ҳибс элиға ёри ғамгусори равоҳ.

Жаҳон улусқа беҳишти нашот ўлуб, менга вайл,  
Бу ибтилоға сабаб билмадим эрур на гуноҳ.

Ҳаводис ўқларини баски отти чарх менга,  
Дили низорим ўлубдур тўла нечукки шиқоҳ.

Топилмади манга якранглик замон элидин,  
Нечукки айламишам сайри алами ашбоҳ.

Манга на журъати сайёдлик бу давр ароким,  
Олур шикорини шери нар оғзидин рўбоҳ.

Гаҳи кўнгул киби ошуфтагардман, гаҳ зор,  
На йўллар ичра мени солди толеи гумроҳ.

Не нав шикватароз ўлмайн фалак қўлидин,  
Ки дунға ком расондур, аризға жонкоҳ.

Гаҳи мани солибон тангнойи ҳодисаға,  
Нечукки айлади Юсуфни банди меҳнати чоҳ.

Гаҳи масолиҳи дунё учун қилиб муҳтож,  
Аларғаким эди номардликда ўйлаки доҳ.

Агар нухусатидин чиқса ахтари бахтим,  
Ва гар адоватидин чарх айласа икроҳ.

Ман ул ҳарифдурурманки назм жавҳарини  
Сочарда қилким очар панжаи меҳр лаъл кулоҳ.

Фалак фазосига сурсам хаёл якронин,  
Қилур тавозинма моҳи нав қадини дутоҳ.

Ҳазалларимни ўқур Зухра кўргузуб оҳанг,  
Тутар Уторид анга гўшу ҳуши истинқоҳ.

Баҳори табъим очарда гули назокат ранг,  
Қилур беҳишт гулистони андин истинқоҳ...

Ҳунар мисоли тутарлар азиз бўлса аён,  
Ишимда шойибаи айбу саҳвдин ногоҳ.




Валек толеи манҳуси номусониддин  
Эмас турар ҳунарим ҳам улусға хотирхоҳ.

Вале, замона тақозосидин ҳамиша эрур  
Фазилат аҳли асири жафойи аҳли сафоҳ.

Ҳануз аҳли ҳунар боши узра солғон эмас,  
Зилоли роҳати жовид бу яшил хиргоҳ.

Жаҳон сифла навозу сипеҳр дунпарвар,  
Не навъ бахти гаронхобима қилуб инбоҳ.

Фалакки душмани жондур, на дўстлуғ истай?  
Чаман тароватини зоҳир этмас оташгоҳ...



ОГАҲИИ

## ҚАСИДАН НАСИҲАТ

Аё, хусрави маъдалат дастгоҳ,  
Нажобат сипеҳрида рахшанда моҳ.

Шаҳаншаҳлик ўлсин муборак санго,  
Мададкор тангри табарруқ санго.

Бўлуб лутфи ҳақ дойимо носиринг,  
Малул ўлмасин бир нафас хотиринг.

Замирингни сабр айлабон шод тут,  
Бори кулфату ғамдин озод тут.

Ато сукидин бўлма андуҳу кин,  
Кўнгулни бу ғам бирла қилма ҳазин.

Агарчи бу ғам усру душвордир,  
Вале чеккали банда ночордур.

Қилиб сабр бирла сукун ошкор,  
Бор ҳолда шукр қил ошкор.

Эшит бу ҳазин бандадан маърифат,  
Ки дегум неча манфаатлиғ нукат.

Жаҳон ичра халқ айлади шоҳлар,  
Қавий қудрату соҳиби жоҳлар.

Қилиб баъзида адлу карам ошкор,  
Вале баъзи зулму ситам ихтиёр.

Етиб баъзидин элга роҳат баса,  
Вале баъзидин ранжу меҳнат баса.

Бўлуб баъзи таҳсину раҳматға тўш,  
Вале баъзи нафрину лаънатға тўш.

Қилиб салтанат барча ўз комича,  
Суруб ҳукмини кўнгли оромича.

Агар яхши эрди ва гар худ ямон,  
Ер остида бўлди бариси ниҳон.

На қолди аларнинг бирининг асар,  
На бўлди бирининг ишидин хабар.

Бориси кўруб чархи дундин ситам,  
Адам сори ночор қўйди қадам.

Будур дойимо чархи золим иши —  
Ки зулмидин асло қутулмас киши.

Қани ул Иноқ Муҳаммад Амин?—  
Ки Хивақ аро эрди маснад нишин.

Қани мири одил Авазбий Иноқ?—  
Ки лутф ато эрди бошдин оёқ.

Қани хон олий макон Элгузар?—  
Ки бошиға қўймиш эрди тожу зар.

Қани шоҳи олам Муҳаммад Раҳим?—  
Ки афлокға қаҳридин эрди бим.

Қаён борди Оллоқули подшоҳ?—  
Ки очмиш эрди мулк тортиб сипоҳ.

Қани даҳр шоҳи Муҳаммад Амин?—  
Ки офоқ анга эрди зеру негин.

Қани каъбаи қиблагоҳинг сенинг?—  
Ки эрди шафиқу паноҳинг сенинг.

Эди қаҳридин музтар осмон,  
Кафу жавдидин мунфаил баҳру кон.

Олур чоғда илкига тийғу табар,  
Эди ожиз ўтрусида шери нар.

Они ҳам қилиб ожизу нотавон,  
Адам кишвари сори қилди равон.

Киши шоҳ бўлсун ва ё худ гадо,  
Қутулмоқ фалак зулмидин йўқ анго.

Фалак золу усру жафокор эрур,  
Фусунсозу маккору ғаддор эрур.

Юзида йўқ асло ҳаёдин асар,  
Кўзида йўқ асло вафодин хабар.

Ҳаёсиздин асло вафо истама,  
Вафосиздин асло ҳаё истама.

Улусға етурмак ситамдур фани,  
Эрурлар забуну фақиру ғани.

Биров гар муродин топиб бўлса шод,  
Муроди онинг айламак номурод.

Бировга мақом ўлса гар авжи бахт,  
Онинг қасди урмак они ерга бахт.

Биров топса нуржомдин комини,  
Ситам тошидин синдурур жомини.

Биров нўши иқолдин топса баҳр,  
Берур жом идборин анго баҳр.

Бировда агар кўрса суру сурур,  
Қилур они мотам аро носабур.

Маал-қисса оламда яхши-ямон  
Жафосидин они қутулмас омон.

Магар ул киши ондин эмин дурур,  
Қи дайри фано ичра сокин дурур.

Тутиб кенг жаҳон буду нобудини,  
Зиён бирла фарқ айламас судини.

Бугун подшою санга салтанат  
Берибдур, худо кўргузиб марҳамат.

Агарчи бу иш бас оғир юк дурур,  
Ғаму меҳнату неча турликдурур.

Ўзингни буюк чеккали чоғлағил,  
Камар белга ҳиммат била боғлағил.

Бу ишда ўзинг солма, мардона бўл,  
Жалорат ишору далирона бўл.

Бу ишнинг камолига толиб эсанг,  
Онинг боиси экандур десанг,

Деган бир-бир они бу ошуфтаҳол,  
Топар салтанат бу ишдин камол.

Ки ҳиммат биридур, шижоат бири,  
Адолат биридур, сиёсат бири.

Жалодат бири, бири ғайрат дурур,  
Саҳоват бири, бири иффат дурур.

Бири ҳилм келди, бириси ҳаё,  
Бири ваъдага айламаклик вафо.

Футуват бири, соф ният бири,  
Мурувват бирию ҳамият бири.

Биридур вуқуф ўғрилар ҳолидин,  
Алар илкини кесмак эл молидин.

Бири келди бўлмоқ раъиятнавоз,  
Масокину мазлумга чорасоз.

Бири тарбият бирла қилмоқ азим,  
Аларникидур никхоҳ қадим.

Бириси сипоҳ кўнглин олмоқ дурур,  
Карам доми бўйнига солмоқ дурур.

Булардин етар салтанатга низом,  
Буларсиз ул иш ҳеч топмас тамом.

Яна неча иш салтанатға завол,  
Етургуси, сўргум алардин мақол.

Ки ғафлат бири келди, ширкат бири,  
Гуҳолат бирию касолат бири.

Бири жаҳл саҳбосидин мастлик,  
Бири доми шаҳватға побастлик.

Бири фисқи бидъатға бермак ризо,  
Бири жабр-зулм айламак иқтизо.

Бири айлабон майл имсоки мол,  
Сипоҳ аҳлини тутмак ошифта ҳол.

Бири келди идмон айшу тарб,  
Бири келди итён лаҳву лаъб.

Бири мулкидин беҳабарлиқ дурур,  
Ки шаҳларға бу иш хатарлиқ дурур.


Бири қилмоқ авбошға тарбият,  
Бериб мансаб этмак анго тақвият.

Бири қурб хуссод ғаммоз эрур,  
Ки қурби аларнинг зарар бир берур.

Бу сўзларниким мен баён айладим,  
Неча байт бирла аён айладим.

Буларға қаю шаҳки қилса амал,  
Онинг мулкига етмас асло халал.

Ҳукумат биноси бўлуб устивор,  
Онинг хонадонида тутғай қарор.



## ШАРҚ ХАЛҚЛАРИ ҚАСИДА МЕРОСИДАН

АБУ АБДУЛЛО РУДАКИЙ

### ҚАСИДА

Тишим бари тўкилиб кетди, дурри ғалтон эди,  
Уларни тиш дема, балки чароғи тобон эди.

Оқиш кумуш эди-ю, худди дурри-маржон эди,  
Булоқнинг қатраси ёинки тонгда чўлпон эди.

Бирорта қолмади куртакланиб, тўкилди бари,  
Бу қайси насҳ эди, бўлганида Кайвон эди.

Менимча, нахсдан-у, ё узоқ умрданмас,  
Не бўлди? Мен эта қўйсам, қазойи осмон эди.

Қўзингнинг соққасидек айланиб турувчи жаҳон,  
Ҳамиша айлади, ҳамма вақт гардон эди.

Қачонки дори-ю дармони оғриқ ўрнидадир,  
Кезида оғриғи ҳам дори бирла дармон эди.



Кўз очқуча тўзитар у қаерда янги эса,  
Дам ўтмайин тузатар у қайдаки вайрон эди.

Талайча боғнинг ўрнини чўл этиб қўйди,  
Ва қанча боғлар ўрни бурун биёбон эди.

Сен, эй юзи тўлин ойдек гўзал, не билгайсан?  
Беш-олти кун нари ҳолим нечоғли шодон эди?

Кўпинча сен гажагинг бирла менга мақтанасан,  
Гажак-гажак қора сочим мисоли чавгон эди.

Юзим текислиги атлас каби замон ўтди,  
Менинг сочим у замонда қора-ю қатрон эди.

Чунончи шунча гўзаллик азиз меҳмон экан,  
Қайтмагай яна. Беш-олти кунга меҳмон эди.

Икки кўзимга талай нозанин эди ҳайрон,  
Менинг кўзим ҳам уларнинг юзига ҳайрон эди.

Ўтибдир энди замонлар, қайғусиз эдим, хуррам,  
Қаю шаҳарга-ки борсам, бир ўзга жонон эди.

Сарф этиб кетар эди бесаноқ олтин, дирҳам,  
Қаю жойда кўкраклари анордек жонон эди.

Талайча татти канизак менинг дилим овлаб,  
Тонг отгунча яширин, уйимда меҳмон эди.

Нечук-ки, кундузи кўрмак, қовушмак имконсиз,  
Сезар эса эгаси, иккимиз зиндон эди.

Аниқ чирою гўзал чеҳраларни кўрмаклик  
Фалончиларга қийин бўлса, менга осон эди.

Дилим хазинаси сўз гавҳари-ла лиммо-лим,  
Қаёнга хат-ки ёзибман шеър меҳр-унвон эди.

Ҳамиша шод эдим-у, қайғу ғамни билмас эдим,  
Дилим қувонч, ўйин-кулгиларга майдон эди.

Қайноқ нафасим ила девонага айлантирдим,  
Бўлмаса, кўп юраклар тош эди, сандон эди.

Кўзим узилмас эди ўйноқи ўрим сочдан,  
Ёқимли сўз била тўлган қулоқларим қон эди.

Хотин, бола, таги рўзғор — бу хилда ташвиш кам,  
Тўним ёқасида кир йўқ, кулгуликлар осон эди.

Кўриб турибсан энди Рудакийни, ой юзлим,  
Кўролмадинг уни аттангки, у бой инсон эди.

Агар кўрсанг эди ул чаманга борганини,  
Бошида минггача булбул, ҳазор дoston эди.

Йигитлар ичра йигитлар унга бўлиб улфат,  
Амирлар узра йигитоғаликда полвон эди.

Бугун шеърлари манзуру тингламиш олам,  
Ҳамиша шеърларим ўз мулки девон эди.

Унинг шеърларини тинглаган жаҳон ўтди,  
Кечиб замонаки, ул шоири Хуросон эди.

Қайдаким машҳур деҳқон ёки бўлса умаро,  
Улар уйда менга аталган ҳамён эди.


Тўйин-тўкин, бу улуғлик сабабларин сўрасанг,  
Бу неъмату, бу улуғлик манбаи Сомон эди.

Хуросон амиридан тегди қирқ минг соф дирҳам,  
Уни беш минг орттирган киши мир Мокон эди.

Яна бошқалардан ҳам йиғилди саккиз мингча,  
Шеърим барчага маъқул, қўшиғим ёққон эди.

Кўриб шоҳ илтифотин биргина шеърим учун,  
Менга хазина тўккан акбару аён эди.

Замона айнади, мен ҳам тамоман ўзгардим,  
Асомни қўлга бер энди, у бошқа даврон эди.



НИЗОМИЙ ГАНЖАВИЙ  
ҚАСИДАЛАРДАН

Қўнғироқ жунбушга келмиш, қўзғолибдир корвон,  
Кучни боғла мулки тандан энди жон қасри томон.

Нола бирла йўлга тушгил, сорбондир раҳнамо,  
Корвоннинг халқасинда қўнғироқ мунис ҳамон.

Халқа ичра кирганинг чоқ, чорасиздир қўл-оёқ,  
Қўнғироқдек нола бирлан йўлга тушгил беомон.

Қўнғлида бир изтироби, нола айлар қўнғироқ,  
Уртада бир қисқа қўллик, халқа ҳам айлар фиғон.

Қўнғироқ, маъзур тутинг, дер, эди дилни дарди дил,  
Халқа ундан ҳам хароб, бедилни айлар имтиҳон.

Давлат изланг мазҳаб ичра, молу дунёдан эмас,  
Бермагай Юсуф бўйин гул, кўйлак ўлмас арғувон.

Қасб этиб ҳикмат йўлидан борки, ҳикмат чашмаси,  
Айби борнинг айбидин ҳам ҳикмат ол, бўл комрон.

Гар қайиқ ичра ўтирдинг, тунми, кундуз тикка тур,  
Тикка бўлса елкани, ҳайдар они олға бўрон.

Одам ичин билмагайсан, девми ул ёким малак,  
Эртанинг бўл суврати, бул кунки бор ундан нишон.

Ҳундулар-ку қораликда бир насабдурлар ва лек  
Ҳинду бор — ўғри-ю олчоқ, ҳиндулар бер посбон.

Йўқ безакдан фойда асло, туҳфа қил, зар туҳфа қил,  
То тамом умрингда зардек кекса бўл ҳам навқирон.

Дема кўп султону султон, бандароқдир сендан ул,  
Банда бўлгил унга-ким, ул соҳиби султоннишон.

Эркаларқан соҳибинг, сен унга майли банди бўл,  
Бандаларни эт навозиш, қайда гар сен ҳукмрон.

Ким-ки қўл остингдадир, адл айла анга оқибат,  
Офтоб топгунг лаҳадда, ҳам қиёмат соябон.

Этма золимлик кишига, адл ила ром эт уни,  
Оқил одам бир фаришта, золим эрса беимон.

Солди не ишлар отанг Одам бошига битта дон,  
Ҳар қадам тупроғи бўлма топгунингча бурда нон.

Ичма ўзгалар сувин ҳаттоки шарбат бўлса ҳам,  
Олма ўзга нонини гар барчаси тасбеҳга дон.

Шери ҳиммат бўл ҳамиша қўл кучинг бирла яша,  
Овга чиқсанг, бўлишар чўл ваҳшилари меҳмон.

Ўз заифлигингни кўргил, қудратингдан урма лоф,  
Эй амир, сен бандасан-ку, эй табиб, сен нотавон.

Кўзларингдан чиқса ёш, асло бекитма сен уни,  
Ипга тизмак лозим асли кўз ҳам этса дурфишон.

Пардасин очиб, қараб кўргил, заминда не ўйин?  
Не замон арбоблари уйқуда ётмиш кўп замон.

То бу тупроқ узра сувсизликка кўрсатдим чидам,  
Сув юзи бирла ювиндим, шарбатим оби забон.

Тошдан ажраб чиқмагунча равнақин топмас кумуш,  
Лаъл ҳам ўз қийматин топмас макони бўлса кон.

Қирдинг ўттизга, Низомий, энди тинчроқ жой топ,  
Мен насиҳат қилдим энди, хоҳи хўп де, хоҳи тон.

\* \* \*

Бу гулшанда қариликдин эгилмишдир камарим,  
Бақо шоҳи атосидин недур топган самарим.

Дарахтимдин на соя бор, на мева бор бировга,  
Ҳаводислар бўронидин тўкилди баргу барим.

Фалак қаддин эгиб менга лаҳад кавлашга машгул,  
Соқол-сочимда оқ кофур берар шундан хабарим.

Даҳанда икки тизим эрди оппоқ тишларим дур,  
Фалак зулми била бир-бир тўкилмиш бу гуҳарим.

Тўкилди гавҳарим юлдузсимон умрим кўкидин,  
Қизоргач машриқи умрим, чиқиб юлдуз саҳарим.

Умрим охирга етди энди мен бойўғли мисол,  
Харобазорга йўл олдим, тузатиб болу парим,

Эгилди қоматим, бош ерга мойил бўлди бул он,  
Мени ерга эгар бу чоқда ор-номус самарим.

Эгилмиш қадду қоматим, этакка тегмасин деб қон,  
Кўзимдан тирқиратиб хун, юборган чоқ жигарим.

Тушиб бошимга оппоқ қор, босар оғирлиги бирлан,  
Вужудим томи тушмасму босиб, шундан хатарим.

Агар қор бўлса чўққимда, эриб сув ҳам келар ундан,  
Кўзимдан сув чакиллайди, ёш тўкишга чеварим.

Заифлигим шу қадар, соядек жим сургаламан,  
Кишилар топа олмасалар изимдан ҳам асарим.

Мени ҳеч ким этолмас ёд заифлигим туфайли,  
Бирор кимнинг дилига ҳам тушмас менинг гузарим.

Заифлик қоматимни айламиш дуто гўёким,  
Ажал тийрин ваҳимаси бирлан бўлмиш сипарим.

Фароғат авжи томон мен нечук парвоз этайин,  
Заифлик жарлигидан-ким синиқдир болу парим.

Жаҳон бўстонида ҳарён умидим тарқалиб кетди,  
Бўрону дўл уриб шохидин ажралди шажарим.

Бўшалгач мевадин шох қадди тикланган эди, аммо  
Менинг қаддим эгилмиш сочилиб битгач самарим.

Эгилди бошим аввал бор, елкамда, на қилай,  
Ажал шамшириданбир барча қурқув ҳам ҳазарим.

Заиф кўзлар илиқ ёши билан юзларни ювгайлар,  
Сафарга кетди дўстларнинг кўпи, яқин сафарим.

Зайфликдан уй ичра муқим қолдим, ҳеч қаён чиқмай,  
Уйим остонасидан хатламак мушқил, жигарим.

Агар ою-қуёш нур сочса ҳам варақ бети узра,  
Баёз хатин ўқийолмас, қоронғудир назарим.

Умр ўтди, гуноҳим кунба-кун ортиб борар, ҳаргиз  
Юрарман элда бошим ҳам, эгик қомат ва сарим.

Танам ҳеч ларзадан тинмас, қўлим ҳам титрамакдин ҳеч,  
Нечук шодлик майи бўлсин қадаҳларда ичарим.

Ҳаловат топмадим охир ҳаётдан кўп чекиб ғам,  
Бўлар оғзимда заққум луқма нон ёки шакарим.

Бу гулшан обу ҳавосига ҳам энди йўқ ишим,  
Агар Исо нафасидек эса ҳам, у зарарим.

Қўлимдан кетди ёшлик рангу бўйи ила бу кун,  
Ўғирлаб кетди бу нақдинани кўк ишвагарим.

Ҳунар изламагил мендан бу кун, топгунг фақат айб,  
Айбдан баттар эрур бул кунни бори ҳунарим.





АФЗЛУДДИН ҲОҚОНИИ

### МАДОЙИН САРОИИ

Бу олама, эй кўнгил, ибрат ила боқ бир он,  
Ибрат кўзи эрмасми Мадойин!<sup>1</sup>— хароб айвон.

Дажла лабидан бир дам жой танла Мадойиндан,  
Дажла каби кўзлардан ёш тўк гапириб нолон.

Ут яллиғини кўргил бу Дажла ёноғинда,  
Дажла ўзи кўзлардан тўкмакда-ку дарё қон.

Кўр, Дажла кўпикланмиш ё оҳ ўти тафтидан  
Лаблар чети пўрсилдоқ, безгакдан учуқ чиққон.

Сув ёнганин оташдан ҳеч борми эшитгонинг?  
Ҳасрат ўтидан бул кун Дажла жигари бийрон.

Сен Дажла закотини бергил, тўкибон қон ёш,  
Денгизга берар Дажла бойлиқ тўла битмас кон.

Дилдан уфириб оташ, лабдан сарин оҳ урса,  
Кетгай ярими музлаб, отгай ярими вулқон.

---

<sup>1</sup>. Мадойин — Дажла қирроғидаги қадимги шаҳар қолдиқлари.  
Араблар босиб олгунга қадар обод шаҳар бўлган; Сосонийлар пойтахти.

Занжирга тушиб Дажла, занжир каби тўлгонмиш,  
Айвони Мадойинни ер ила кўриб яксон.

Кўз ёши ила гоҳи айвонга савол ҳам бер,  
Қалбингни қулоқ айла, дардини десин айвон.

Девору қасрларнинг тарихини тинглолсанг,  
Панду насихат қилгай ҳар гишти-ю ҳар дандон.

Дерларки, сенам хокий, биз бул куни тупроқмиз,  
Тупроққа тўкиб кўз ёш, кўй неча қадам гирён.

Бойқушлари овози бош оғриғи қўзғатмиш,  
Кўздан тўка гулгун сув, дардимга этур дармон.

Булбул пайида бойқуш, шодлик пайида мотам,  
Ҳеч бўлма жаҳоннинг бул қилмишларига ҳайрон.

Жойи адл эрдик биз, бизларга зулм етди,  
Зулм аҳли саройин кўр, не кўрсатажак даврон.

Осмонўпар эрдик биз, тупроқ ила тенг бўлдик,  
Бу ҳукми фалақдир ё айлангучи каж осмон.

Бир вақт бу айвоннинг нақши — кишилар руҳи  
Сурат-ла безак олмиш девори нигористон.

Осмон шерига ҳамла этмишди бу айвондан,  
Тош супада ўлтирган ҳайбатли шеру қоплон.

Зеҳн ила чуқурроқ боқ, аҳлинг кўзини очгил,  
Айвон ўша айвондир, майдони ўшал майдон.

Отдан тушибон ҳар дам, майдонга қадам қўй, кўр,  
Филлар босиб ўлдирди, мот ўлди-ку шоҳ Нуъмон.<sup>1</sup>

---

<sup>1</sup> Сосоний шоҳларидан бири, моҳир шахматчи бўлган. Айтишларича, ун фил босиб ўлдирган.

Тик кўзга қараб кулма, бу беҳуда мотам деб,  
Кулгули келиб бунда ёш тўкмаса қай инсон.

Кампири Мадойин ҳеч Куфаникидан<sup>1</sup> каммас,  
Ҳужрайи Мадойин ҳам Куфа танури<sup>2</sup> чандон.

Куфага Мадойинни тенг тутмак эсанг аввал,  
Кўксингни танур айла, дийдангдан оқиз тўфон.

Йўқ, Нуъмон эмас ёлғиз, неча-неча шоҳларни  
Фил каби кеча-кундуз эзмакда-ку бу даврон.

Душманлар ила жангда фил сурган у подшолар  
Тақдир филидан бори маст ўлмишу саргардон.

Хурмуз бош чаноғида Ануширвон дил қонни  
Сипқорганидан бу ер маст бўлгану кўзлар қон.

Тожинда унинг бир вақт бор эрди-ку юзлаб панд,  
Мингларча насихатлар хокинда бу кун пинҳон.

Барбод бўлиб бори, тупроққа сингиб кетмиш,  
Зар бирла безак топган неъмат тўла дастурхон.

Парвиз-ку<sup>3</sup> ёзар эрди ҳар ўлкада дастурхон,  
Яшнарди унинг хони кўклам каби бир бўстон.

Парвиз-ку бу кун йўқдир, сўз очма яна ундан,  
Барча кетадир бундан, қолмайди гадо, султон.

Кетмиш дема, қай ёққа энди у буюк зотлар?  
Пайдо бўлишиб ҳокдан, ютмиш яна хок шул он.

---

<sup>1</sup> Куфа — Икки дарё оралиғидаги қадимги шаҳарлардан; унга VII асрда асос солинган. Мадойин тошлари ишлатилиб қурилган.

<sup>2</sup> Куфа танури ёки кампир танури — афсонага кўра, Дунёни тўфон босганда бузилмай қолган тандир.

<sup>3</sup> Хурмуз, Ануширвон, Парвиз (Хусрав) — сосоний шоҳларидан.

Пайдо бўлиши осон эрмас эди ҳар зотнинг,  
Турмак иши душвордир, ҳомила қилиш осон.

Ток шарбати май бўлмиш, Ширин хунидан ул май,  
Парвиз танаси хокин хум қилди кулол боғбон.

Ютмиш нақадар билсанг, золимни бу ер қаъри,  
Лекин сира тўймайдир оч кўзли бу байталмон.

Гўдак хунидан юзни қирмизи қилур доим,  
Кўкраги қаро момо, оқ қошли бу беимон.

Хоқоний, бу даргоҳдан ибрат ол-у тер ҳикмат,  
Токим сени ахтарсин ҳикмат сўрабон хоқон.

Бул кунки, агар дарвиш ризқ истади султондан,  
Бир кун келадир султон девонага зор ўлғон.

Гар Макка заминидан ҳар ким элитар тупроқ,  
Сен ол бу Мадойиндан, туҳфангни кутар Шервон.

Жамра еридан тасбеҳ, эл одатидир, олмоқ,  
Сен тасбеҳ у ердан ол, қай ерда ётар Салмон.

Ибрат-ла бу дарёга боқ, покиза сувдан ич,  
Бу сув ёнидан ташна ўтгай дилу кўр, нодон.

Дўстларга берур савфо, ким қилди сафар ҳар гал,  
Дўстларга бўлур савфо шоир тилидан достон.

Боқ, кўрчи бу дostonда кўп сеҳру насиҳат жам,  
Исо дами бор шоир,— девона-ю ҳикматдон.



ҲУСРАВ ДЕҲЛАВИЙ

## ҚАСИДАДАН

Мен даҳр гулзорида ургум букун янги наво,  
Жон боғиға дам солибон йўллагум боди сабо.

Сеҳр сочгувчи қаламни ниқтабон офтоб томон,  
Даҳр жодуси бошиға беаёв ургум асо.

Фикр ўқин отсам ўтарман файласуфлардан ҳамон,  
Ҳимматим тигини тортсам, ип эшолмас подшо.

Ҳимматим ишқу карамда арши аълодин ўтар,  
Бу саҳий қалбим урар олийжанобликдин нидо.

Қалби пастларга бориб етмайди назмим гавҳари,  
Барча пасткаш қалбиға тошпарча ургум бехато.

Ким чаён чаққан кишидек тўлғанур зар қасдида,  
Заҳри қотил тупругимни айлайин унга даво.

Осмонга гар оёқ қўйсам куярман меҳридан,  
Тепкини нечук кўтарсин, бўлса гар қадди дуто.

Мен қалам чўпин риёзат бирла тортиб беомон,  
Аблақи айём юзига хат чекиб қилғум қаро.

Ҳусравийдурман суҳан подшосига фармон берар,  
Тахту тожинг фарқ этар ҳар неча бор фармонраво.

Масканим Деҳли эрур, ҳар бир сўзимда қоралиқ,  
Мен сарой ноғорасин урдим баланд қишлоқ аро.

Ушбу шеърим бирла қилсам илм аҳлига хитоб,  
Ҳар бир олим жониға оташ уфурмоқ муддао.

Гар қалам устиға ёпқич айласам қоғозни,  
Бу Алини у Алоға олиб ургум аввало.

Мен қаламни болалардек айласам ҳам чўп қилич,  
Сўзларимга боқ, уларда баркамоллик ҳам зако.

Гарчи гўдаклар ўқидек бўлса ҳам менда қалам,  
Қилни қирқ ёрғучиларни мен урарман бехато.

Тез оёқдир ҳам туёғи иккидур оҳу каби,  
Икки шохидин тўкарман мушк, муаттардир фазо.

Нофадек довогга анбардан агар сўз бошласам,  
Ҳар сўзимдан тарқалур топ-тоза мушк олам аро.

Бул харос эски фалак кўп нозигу мен кўз юмиб,  
Тош тегирмон тевасидек айланурмен доимо.

Бу қўғирчоқбоз чархнинг фитнадур-ку ишлари,  
Дўстларим кўз қиррини олгум мисоли кимё.

Сўзлаим таъсирида ташлаб назар кўрдимки, мен  
Бебаҳо дил ёқутиға тош урармен бесадо.

Можаро бирла қалам урдим жаҳон сафҳасига,  
Неки ёздим, номани бошдин оёқ қилдим қаро.

Қўлларимдан тўкилур мушку атр оҳу мисол,  
Мен Хитога уфургум, гарчи бўлса ҳам Хито.

Дил агар ғам суфрасинда эзилур бўйродир ул,  
Гар уфурсам дилдан оташ ўт олур ул бўйро.

Бевафо умрим бу жоним қасдида тортмиш нафас,  
Мен эсам девоналардек қаҳ-қаҳ ургум беҳаё.

Бўлмаса каклик хироми, қаргадек босгум қадам,  
Зоғ ранги бизга бас, гар бўлмаса нури хумо.

Ҳусрави бечорадурмен, ол паноҳинга, эгам,  
Ушбу даргоҳда фақат сенга қилурман илтижо.

\* \* \*

Дилим ишқингда кўп авворадир, авворароқ бўлсин,  
Танам дилсиз хазин бечорадир, бечорароқ бўлсин.

Азизларни этиб торож, зулфинг бўлди айёра,  
Ғариб қонини тўкмоққа кўзинг айёрароқ бўлсин.

Юзинг хўп тозадир, ўлмак дамим софликни истармен,  
Дилингни қорадир қатлим учун, қоп-қорароқ бўлсин.

Аё зоҳид, дуойи хайр қилсанг гар дегил шундай:  
Санамлар куйида аввора бу, авворароқ бўлсин.

Дилим минг пора бўлди, майли бундан яхши иш бўлмас,  
Магар жонона хурсанддир, яна ҳам порароқ бўлсин.

\*\*\*

Ҳама дер: «Жонимиз, қонхўрлиғидин, келди ҳалқумға»,  
Мен айтарменки, жоним олғали хунхорароқ бўлсин.

Этакни айлабон ҳўл, икки ҳўл кўзи билан Хусрав,  
Деяр: «Кўз ёшидин ҳўл бўлсину ҳам қорароқ бўлсин».

\*\*\*

Хавфим шуки, савдойинг девона қилур охир,  
Шаҳр ичра этиб бадном, афсона қилур охир.

Орзунгда хушу ақлим бегона бўлиб кетмиш,  
Қўрқинч шу: гаминг жондан бегона қилур охир.

Ҳажрингда бу жону тан бўлди заифу ночор,  
Зулфинг мўйини жоним юз хона қилур охир.

Нозук бу танам бўлса зулфингга ёпишгудек,  
Машшота мўйинг бирла ҳамшона қилур охир.

Зулфингни(нг) танобидин сен илк нажотим бер,  
Сўнг майлига занжиринг девона қилур охир.

Мен май ила хуш ўлдим, шоядки хаёлингни  
Бу дилга солиб соқий мастона қилур охир.

Хўбларға чароғдирсан, Хусравга томон юрғил,  
Юз партави бу жонни парвона қилур охир.





СОБИР ТЕРМИЗИЙ

### ТАҒАЗЗУЛ

Кўзимда сенсану, меҳринг менинг фасли баҳоримдир,  
Гўзал ҳуснинг — гулистоним, хазонсиз лолазоримдир.

Меним-чун майсалар йўқ, бўлгани таъсир қилмайдир,  
Сенинг мушкин хатинг у сабзалардан ёдгоримдир.

Баҳору сарв гул, савсан гўзалларнинг баҳори, эй,  
Менинг бағримда бўлсанг, жумласи бир сабзозоримдир.

Сабаблар қолмади ҳаргиз, ғаму жоним аросинда,  
Сабаб бунга шудир, билсанг, жамолинг ғамгусоримдир.

Сенинг ишқинг шаробидан баса бошим хумор бўлди,  
Икки лабдан учов бўлса — менинг дафъи хуморимдир.

Эмасдим ёр шикори, лек анга энди шикор ўлдим,  
Ушал икки шакар ишқи лабингдинким шикоримдир.

Фалакнинг гардиши бирлан ишимга келди бир равақ,  
Висолинг ҳам жамолинг — бу менинг айни бароримдир.

Менинг бори қарорим беқарор зулфинга боғлабсан,  
Анинг ҳар халқаси, билсанг, менинг жойи қароримдир.

Агар кундуз куни тарих ёзар доим муаррихлар,  
Висолинг кечасин тарихи умри рўзгоримдир.

Нисоримдан нисоринг юз баробар яхшироқ бўлғай,  
Низор эт бўсадан сен ҳам, дилим сенга нисоримдир.

Тароватлар-ки бор ўткир, гўзал маъноли шеъримда,  
Сенинг ишқинг туфайли одам ичра ихтиёримдир.



НОСИР ХИСРАВ

### КОСИБЛАР ҲАҚИДА

Косибдан шод-хуррам йўқ жаҳонда,  
Ҳунардан яхши дур ҳам йўқ жаҳонда.

Бутун кун ризқининг боғбони бўлғай,  
Кечин ўз уйининг султони бўлғай.

Не топган бўлса, тортинмай ошайдир,  
Яна ишлаб, яна топиб яшайдир.

Қилолмас катталиқ ҳам унга ҳар ким,  
Бировнинг миннатидан холи доим.

Қўли-ла ризқи рўзин ҳосил этгай,  
Аёлу хешу фарзандига етгай.

Бугун ҳам, эрта ҳам, ўтган куни ҳам  
Худо розидир ундан, рози одам.

Қўли ишдан бўшалмас ҳафта-ю ой,  
Дўкону дастгоҳи севгани жой.

Минг арзир бўлса боши осмонда,  
Яшолмайдир усиз шоҳ ҳам жаҳонда.

## ДЕҲҚОНЛАР ҲАҚИДА

Косибдан ҳам жаҳонда деҳқон ортиқ,  
Ҳама жондорга этмиш ризқ тортиқ.

Ҳунарманддин текин тегмайди бир шай,  
Экин хирмонидин бўлмайди тегмай.

Жаҳон хуррамлигин боиси деҳқон,  
Унинг бирла экинзор боғу бўстон.

Бу ишдан яхши оламда не бордир?  
Бу иш одам атодин ёдгордир.

Қушу қумурсқага роҳат бу ишдан,  
Улов, от, одама ҳожат бу ишдан.

Гар у деҳқонлигин қилса ҳар ишда,  
Анга тенг келмагай ҳатто фаришта.

Қаҳат қилмас эса донини деҳқон,  
Унинг шонига етмас ҳеч бир инсон.

Жафокаш, паҳлавон меҳнат чекадир,  
Тўкиб тер, барчанинг ризқин экадир.

Улус ризқин калидидир қўлида,  
Кўнгилни ёритар нури йўлида.

Бу оламда адолатнинг қулидир,  
У оламда беҳишт боғин гулидир.



САЪДИЙ ШЕРОЗИЙ

## БАҲОР ВАСФИ

Наврӯз ўлка байроғин тикди бу кун саҳро аро,  
Қаҳратон қиш лашкари чекинди бу даъво аро.

Ҳар чаман келинчагига тақди осмон марварид,  
Они олмишди булут ғаввоси-ким дарё аро.

Тоғу чўққи бошдин қоқум<sup>1</sup> кўлоҳин олғоли  
Даства-даства кун зиёси тушди бул яғмо аро.

Боғ сатҳи райҳону гулга безангай бул кунни,  
Минг шукрим қаҳратон кетмиш қолиб ғавғо аро.

Бу на бўй, Халлух<sup>2</sup> майдони тарафдин келади,  
Бу на елдир, бўш ҳаво бирла елар Яғмо<sup>3</sup> аро.

Бу начук об-ҳаво, жаннат таассуф айласа,  
Бу нечук тупроқ замин бошдан оёқ раъно аро.

Осмон кўк гумбази гул аксидин бўлди қизил,  
Бас, чаманнинг ранги бўл қип-қизил ҳамро аро.

<sup>1</sup>. Қимматбаҳо мўйна берадиган ҳайвон; оқ сувсар.

<sup>2</sup>. Қадим Туркистондаги бир шаҳар, хушбўй мушкларни билан машҳур бўлган.

<sup>3</sup>. Қадимги Туркистон минтақаларидан бири; бунда мушкка ишора ҳам бор.

Нағмаю чанг мавсумидир субх базмида, қаранг,  
Келди булбуллар чаманга, куйлади анво аро.

Сўфиларнинг ҳирқасидин келди тоза май иси,  
Ташлади девоналиқ ўт синай доно аро.

Барча дилда васли гул орзусидин бор эҳтирос,  
Уйламай бул эҳтирос бор булбули танҳо аро.

Еки маъшуқ пардасин юздин кўтармиш бу насим,  
Қолмади орому тинчлик ошиқи шайдо аро.

Қай тарафга талъатидин соя тушса, во ажаб,  
Кўнгли вайронлар белин боғлаб турар Жавзо<sup>1</sup> аро.

Чеҳрасидек лолани билмамки қайдин ранг олур,  
Сарви қадди қайси дилдан куч олур маъво аро.

Бошини наргис адам ёстиғига қўйса не тонг,  
Уйқудин турди нигор, жоду солиб шаҳло аро.

Лол ўлиб тил, бир сўз айтурға мажולי қолмади,  
Сарв қаддим келадир ғавго солиб дунё аро.

Токай, эй Саъдий, қоғоз бетин қаро қилгунг яна,  
Қолди дастингдин қалам ҳам ишқ деган савдо аро.

---

<sup>1</sup>. Ун икки қуш буржларидан бири: бир-биринга пайваста икки гўдак шаклида тасвирланади.

## ҚИСҚАЧА СҮЗЛИК

### А

а б н о — фарзандлар  
а да м — йўқлик  
а д н о — энг тубан  
а д у — душман  
а й н — кўз; ўзи  
а л т о ф — (ширин) сўзлар  
а ф ш о н — сочувчи  
а ф з о — энг кенг; мўмай  
а х т а р — юлдуз  
а ь д о — қаранг: аду

### Б

б а р қ — чақин, чақмоқ  
б а ҳ р а в а р — баҳра олувчи, баҳраманд  
б и к и н — каби  
б и с о т — шолча, гилам  
б о л о — баланд  
б о р г о ҳ ё к и б о р г а ҳ — қабулхона  
б о р о н — ёмғир  
б о с и р — кўрувчи  
б о с и р а — кўз  
б о ҳ и р — ялтироқ; гўзал.  
б у р ҳ о н — далил, далолат  
б у т р а т м о қ — пароканда қилмоқ, тўзитмоқ

### В

в о л о — ипакдан тикилган майин мато  
в у с л а — боғлам, тутам; букет

### Г

г е т и й с и т о н — жаҳон фотиҳи  
г и р д — атроф, теварак  
г у м — йўқолган  
г ў р — қулон

## Д

да в в о р — айланувчи  
да в о т — сиёҳдон  
да й ё р — монаҳ; монастирда яшовчи  
да н г — карахтлик: ҳайронлик  
да с т т о п м о қ — эгалламоқ  
да қ и қ — нозик, майин  
д у р ф и ш о н — дур сочувчи

## Ж

ж а б а л — тоғ  
ж а в д а т — нуқсонсизлик, мумтозлик  
ж а в ш а н — совут  
ж а ш н — байрам қилиш, тантана  
ж и б о л — қаранг: жабал  
ж у б б а — чакмон, шайхлар киядиган махсус тўн  
ж у д — саховат, мумтозлик  
ж о в и д о н — абадий, доим, мангу

## З

з а р к а ш — зархал, зар сингдирилган  
з а р ф — шароит; идиш (суюқлик учун)  
з а р ф и ш о н — зар сочувчи  
з и л л а т ё к и з и л л а — соя, кўлага  
з и м о н — кафиллик  
з о й н л — йўқ қилувчи, битирувчи  
з у ҳ д — тоат, ибодат қилиш

## И

и б р и й — яҳудий  
и н с — инсон зоти; одамлар  
и с м а т — оққўнгиллик, ибо  
и ф ш о — фош қилиш  
к а в к а б — юлдуз, ёритқич  
к а й — гўёки  
к а с р а т ё к и к а с р а — синиш; мағлуб бўлиш  
к и й н а в а р — кек сақловчи, кин сақловчи  
к и л к — қамиш қалам  
к и с в а т ё к и к и с в а — кийим  
к и ш в а р — ўлка, мамлакат



кишваркушо — очувчи (бошқа ўлкани), фотиҳ; жаҳонгир  
коҳил — султ, бўш  
кул ёки кулл — ҳамма, барча  
кунят ёки куня — лақаб

## Л

ламъа — нур манбан  
ложарам — чорасиз, ноилож; албатта, шунга кўра  
ложувард — тўқ кўк тусли тош; тўқ кўк ранг  
луъбат ёки луъба — ўйинчоқ; қўғирчоқ  
луъмат — насткашлик

## М

мабдаъ — бошланиш; ғоя  
мабодий — қаранг: мабдаъ  
мавкиб — карвон  
магас — чивин  
мадҳат — ёки мадҳа — мақтов  
мамолик — мамлакатлар  
масруъ — тезланган, тез  
маҳосин — яхшиликлар  
мийнат ёки мийна — юмшоқлик, майинлик  
минжу — инжу  
минқод — тумшуқ  
миръот — кўзгу  
муаммар — узоқ йил яшовчи, нуроний  
муанбар — анбар суртилган, хўшбўй.  
мужаррад — яйдов, очиқ  
музмар — яширинган, беркитилган  
мукнат ёки мукна — имконият, қудрат  
мулоиб — ўйновчи  
мунзавий — бурчакдаги, узлатдаги  
мунтаҳо — тугалган; битган  
мунташир — тарқалган  
мунфаил — қисинган, ноқулай вазиятдаги  
муртазо — рози бўлган  
муस्ताкин — яшовчи  
мустафо — танланган  
мурассаъ — безатилган; қийматли тошлар қадалган  
мусаххар — бўйсундирилган, фатҳ этилган  
муътақид — ишонувчи

## Н

надрат ёки надра — нодир, ягона  
наъл — тақа, нағал; тақа шаклидаги тамға  
нигинсор — узуксимон  
нишон — бу ерда: ажратиш аломати, белгиси  
нотавон — иложсиз, бечора  
нофа — мушк, мушкдон  
нузҳат ёки нузха — тамошо, кўнгил очиш  
нусрат ёки нусра — ғалаба  
нуфус — жонлар, одамлар  
нуҳусат — омадсизлик, бахтсизлик

## О

ожун — дунё  
офоқ — уфқлар

## П

пайкар — жусса, гавда; ҳайкал, сурат  
паркош — жанг-жадал, ур-сур  
парнаён — юмшоқ, роҳатбахш  
партав — нур, шуъла  
парсо — покиза, ўзини тиювчи  
ражъат ёки ражъа — қайтиш  
расад боғламоқ — расадхона (обсерватория) қурмоқ  
рафъат ёки рафъа — кўтариш, баланд қилиш  
рахшанда — ялтироқ, порлоқ; товланган  
рахшон — ялтировчи, порловчи; товланувчи  
раҳба — мажозий: осмон табақаси  
раъйат — кўриниш  
раъфат ёки раъфа — раҳмдиллик, шафқат  
риё — мақтаниш  
риққат ёки риққа — нозик таъблнк  
риоят — боқиш; холидан хабар олиш  
ройгон — текин, бепул; мўмай  
рустахез — ғавғочи; тўполончи

## С

сабуҳий — нонушта; тонгги ичиш  
савм — рўза; тийиниш  
савсон — лилия; лола  
саййид — жаноб, хўжазот, оқсуяк

с а й и н д у-с-содот — оқсуяклар йўлбошчиси  
с а р и р — кроват, тахт  
с а р о ҳ — очиклик, очик-ойдинлик  
с а р р о ф — заршунос, қийматбаҳо маъданларнинг баҳосини белги-  
ловчи  
с а р с а р и — мажнунсимон; қасирғасимон  
с а ф в а т ёки с а ф в а — танлов, ажратув  
с а ҳ м — ёй ўқи  
с а ҳ о б — булут  
с и д р а — лотос, даража  
с и н о н — тиғ, найза  
с и п е ҳ р — осмон; осмон гумбази  
с и т о н — бўйсиндирувчи, забт қилувчи  
с о н и — иккинчи; бошқа, нариги  
с о ҳ а т ёки с о ҳ а — майдон  
с у б ҳ а г а р д о н — тонги сайр  
с ў н д у р у б — узатиб; чўзиб  
с ў н м о қ — чўзмоқ, узатмоқ, отмоқ

## Т

т а а қ қ у л — мулоҳазада бўлмоқ; ақлга келмоқ  
т а в о р у — орқа ўгириш; қочиш  
т а в р — йўсин, равиш, қилиқ  
т а к о в а р — юрамол от, бедов  
т а к я — суянчиғ, ёстиқ; дарвешларнинг тунов жойи  
т а м а н н о — тилак, истак, орзу  
т а н г — тор, биқик, зич; айил  
т а р и қ а т — йўл, усул; яссавийчиликдаги маънавий юксалиш та-  
бақаларидан бири.  
т а ф о х у р — фахр этиш  
т а ҳ а т т у к — орсизлик  
т а қ с и р — қисқартириш; камтарлик  
т а ҳ н и я т — табриклаш; табрик  
т и й р а — қора, булғонч; ғам-ғуссали  
т о р а м — қубба; фалак, осмон  
т о с и ч а р х — само, осмон  
т о қ — гумбаз, меҳроб ва тоқчаларнинг қайрилма қисми; ягона  
т у л у ь — болқиш, чиқиш (ёритқиш)  
т у р у н ж ёки у т р у н ж — апельсин

## У

у р ё н и й — яйдоқ  
у р ф о н ёки и р ф о н — билим, билик  
У т о р и д — Меркурий  
у ь ж у б а — ғаройиб, мислсиз

Ф

ф а н ё к и ф а н н — санъат  
ф а р д — ёлғиз, якка  
ф а р х у н д а — яхши, гўзал; қутлуқ  
ф и л б а д и ҳ а — тайёргарликсиз шеър айтиш  
х а й л — от, уюр, тўда  
х а с м — рақиб, душман; хусумат  
х а ф и ф — юмшоқ, бўшанг  
х и д м а т — хизмат  
х и л қ а т ё к и х и л қ а — табиат; шакл, сирт  
х и л ʼ а т ё к и х и л ʼ а — зарбоф кийим, сарпо  
х и р а д — ақл, хуш  
х и р ф а т ё к и х и р ф а — ҳунар  
х о л и с — тоза; соф (олтин)  
х о н — хонтахта; зиёфат дастурхони  
х у д — узун учли жез қалпоқ  
х у р д а д о н — нозик дидли, фаҳмли

Ч

ч а р х — филдирак; осмон чамбараги, тақдир  
ч у — чунки, қачонки; каби, ўхшаш

Ш

ш а б и с т о н — кеча  
ш а й н — уятсизлик, пасткашлик  
ш а қ о в а т — қаттиққўллик, ўзибилармонлик  
ш а ҳ б о з — лочин

Ю

ю б с — қуруқлик

Я

я д — қўл  
я ф м о — талон-тарож, бузгунчилик

У

ў ф о н — кучли; қодир

## Қ

қ а б о — кийим; ялтироқ кийим  
қ а д а р — тақдир  
қ а м у ғ — ҳамма  
қ а т ъ о — қатъиян  
қ и с м а т ё к и қ и с м а — бир бўлак, парча; бурда  
қ о р у н — ўта бойлиги билан донғи кетган шарқли афсонавий шох

## Ғ

ғ а б ғ а б — бағбақа; ияк ости  
ғ а р и б — бегона, нотаниш; ажабтовур  
ғ а р р о қ — ёпишқоқ; бу ўринда, эсдан чиқмас, унутилмас

## Ҳ

ҳ а в о — севги  
ҳ а й ж о — жанг; ҳужум  
ҳ а й ъ а т — шакл, сурат, кўриниш  
ҳ а м у л — чидамли  
ҳ а р и м — хотинлар; ҳовлининг иккинчи ярми  
ҳ а ш м а т ё к и ҳ а ш м а — улуғворлик  
ҳ и д о я т — раҳбарлик, раҳнамолик  
ҳ и ж н а т ё к и ҳ и ж н а — одатдан ташқари, ўзига хос  
ҳ и л м — юмшоқлик, дилгирлик; одамийлик  
ҳ у м р а т ё к и ҳ у м р а — қизиллик, оллиқ

## МУНДАРИЖА

Эминжон Талабов. Қасида ҳақида . . . . .	3
Қасидалар . . . . .	19
<b>Саккокий</b>	
Улуғбек мадҳиялари . . . . .	20
Арслон Хожа тархонга бағишланган қасидалардан парчалар	24
<b>Ҳофиз Хоразмий</b>	26
<b>Гадоий</b>	
Қасидадан . . . . .	31
<b>АЛИШЕР Навоий</b>	
Улуғбек мадҳида . . . . .	33
Туҳфату-л-афкор . . . . .	34
Ҳилолия . . . . .	39
Фахрия . . . . .	46
<b>Мунис Хоразмий</b>	
Баҳорда . . . . .	48
Ийд . . . . .	50
Эрур чарх бераҳм . . . . .	52
Чароғи насиҳат . . . . .	54
<b>Огаҳий</b>	
Қасидаи насиҳат . . . . .	58
Шарқ халқлари қасида меросидан . . . . .	65
<b>Абу Абдулло Рудакий</b>	
Қасида (Ғ. Ғулом таржимаси) . . . . .	64
<b>Низомий Ганжавий</b>	
Қасидалардан (Ш. Шомуҳамедов таржимаси) . . . . .	68

<b>Афзалуддин Хоқоний</b>	
Мадойин саройи (Ш. Шомуҳамедов таржимаси) . . . . .	73
<b>Хусрав Деҳлавий</b>	
Қасидадан (Ш. Шомуҳамедов таржимаси) . . . . .	77
<b>Собир Термизий</b>	
Тағаззул (Васфий таржимаси) . . . . .	81
<b>Носир Хисрав</b>	
Косиблар ҳақида (Ш. Шомуҳамедов таржимаси) . . . . .	83
Деҳқонлар ҳақида (Ш. Шомуҳамедов таржимаси) . . . . .	84
<b>Саъдий Шерозий</b>	
Баҳор васфи (Ш. Шомуҳамедов таржимаси) . . . . .	85
Қисқача сўзлик . . . . .	87

*Серия „Жанры классической литературы“  
Для детей старшего школьного возраста*

**На узбекском языке**

**СБОРНИК**

**КАСИДА**

**Тақризчи — Фирдавсий номидаги халқаро мукофот лауреати  
Шонислом Шомуҳамедов**

**Муҳаррир Шавкат Туроб  
Мусаввир Н. Акрамов  
Расмлар муҳаррири Ҳ. Раҳматуллаев  
Техник муҳаррир В. Демченко  
Мусаҳҳиҳ С. Сайдолимов**

**ИБ № 2509**

Босмахонага берилди 1.06.90. Босишга рухсат этилди 5.10.90. Формати 70x108<sup>1/32</sup> № 1 босма қоғозга «Литературная» гарнитурда юқори босма усулида босилди. Босма листи 30. Шартли босма листи 4,20. Нашр листи 3,51. Шартли кр. отг. 4,55. Тиражи 1000. Буюртма 5986. Шартнома 148—88. Баҳоси 30 т.

Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Қўмитаси «Ёш гвардия» нашриёти. 700113, Тошкент, Чилонзор даҳаси, 8-мавзе Қатортол кўчаси, 60.

Ўзбекистон ССР Нашриёт, полиграфия ва китоб савдоси ишлари Давлат комитети. Тошкент «Матбуот» полиграфия ишлаб чиқариш бирлашмасининг полиграфкомбинати. Тошкент, Навоий кўчаси 30.